



ИШОНЧ

1992 йил
31 август
6 сентябрь
(74)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



2-бет

Бўри
АЛЛАМУРОДОВ:

— Утган бир йилга назар ташлаган одам ўзбек халқининг ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатдаги фаолиятини кўриб қувонмасдан иложи йўқ.



1 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллиги куни



8-9-бет

Турғунбой
МАДИЕРОВ:

— Келажак бор, у порлоқ. Ҳадемай ривожланган юксак азим дарёга айланамиз ва ҳур, бой яшаймиз.

4-бет

Қаюмжон
ХОЛМИРЗАЕВ:

— «Азизлар, адолатли, меҳр, оқибатли бўлайлик!» деган даъватни мен ҳам такрорлайман.



5-бет

Пиримқул
КОДИРОВ:

— Бугун бизнинг муқаддас голямиз ва бурчимиз Ўзбекистоннинг озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачўгидек асрашдир.

6-бет

Исмоил
СУЛАЙМОНОВ:

— Утганлар руҳини қанчалар шод айласак, келажак авлод ҳам бизни шунчалар эъзозлайди.



7-бет

Александр
ЕФИМЕНКО:

— Мен Ўзбекистонни кўз очиб кўрган биринчи ватаним деб биламан.



Умидлар қайтади, бахтлар қайтади
Қайтади унутган куйларинг,
Мозийдан ярадор мардлар қайтади,
Зиёга тўлади уйларинг.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАМОҚДАЛАР.

Шонли сана шарафига тантанали салют берилади, миллий рамаз билан безатилган ҳаво шарлари кўкка парвоз этади. Яна мушакбозлик бошланади. Майдон осмони ранг-баранг нурларга тўлади. Куйларга куйлар, кўшиқларга кўшиқлар уланади.

ганига шукурлар айтасиз.

БУГУН ВА ЭРТАГА Тошкентнинг бош майдонида бўладиган тантаналар тавсифини тўла баён этиш қийин. Уларни ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул. Марҳамат, мустақиллик майдони кучоғи Сиз, азизлар учун кенг очик!

ҲАММА — БАЙРАМ ШОДИЕНАСИГА!

ЕН-АТРОФГА боқиб ҳайратланасиз. Гўё бутун Ўзбекистон шу кўркем майдонга тўплангандек. Улқамиз меҳнаткашлари эришган муваффақиятларни кўз-кўз қилувчи кўргазмалар, халқ усталари ясаган буюмлар, миллий қадриятларимизни улугловчи панноларга боқиб бир йилда бир олам иш бажарилганлигининг гувоҳи бўласиз. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидир дея, шу кунларга етказ-

Тошкентнинг бошқа майдонлари ҳам сизни ўз бағрига чорлайди. Халқлар дўстлиги майдони 13 та миллий-маданий марказ ихтиёрига бериб кўйилган. Бу ерда фольклор ва этнографик жамоалари Ўзбекистонда яшашган барча халқлар мусиқасини ва турмуш анъаналарини, урф-одатларини тараннум этади. Майдонни бе-зашда ҳам байналмилаллик руҳи сезилиб турибди.



10-бет

Исо
ЖАББОРОВ:


— Ранг-баранг табиати, серунум тупроғи ва туганмас ер ости бойликлари билан асрлар давомида жуда кўп талончи давлатларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган Урта Осиё ўзининг оғир кунларида кимни ким эканлигини билиши зарур.



12-бет

Ҳасан
РАЖАБИЙ:

— Мақомнинг улугворлигини тушунимай туриб, уни камситиб қарашлардан воз кечмас эканмиз, санъатнинг бу тури ривожланмасдан қолавереди.



13-бет

Элбек
КАРИМОВ:

— Ўзбекистон республикаси мустақилликка жуда оғир шароитларда эришди ва биз халқимизнинг бу буюк тарихий ютуғини кўз қорачўгидек сақлашимиз керак.

Алишер Навоий номли театр олдидаги майдон бугун ва эртага болаларнинг энг сеvimли маскани бўлади. Улар кўғирчоқбозлар, цирк артистлари, масҳарабозлар билан учрашадилар. Ҳаво тўлдирилган кўғирчоқлар ва эртақ қаҳрамонларининг кўкка парвозини қизиқиб кузатишади.

Умуман, шаҳарнинг ҳар бир районда халқ сайллари маркази ташкил этилган. Байрам маҳаллаларда, даҳаларда давом этади. Мустақиллик қувончи ҳар бир хонадонга кириб боради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 1 йиллиги тантаналари барча вилоятларда, шаҳар ва районларда бўлиб ўтади. Байрамга ҳамма ерда пўхта ҳозирлик кўрилди. Кўчаларга, хиёбонларга чиқайлик. Азиз байрамимизни биргалашиб, шоду-хуррамлик билан ўтказайлик.

ҲАММА — БАЙРАМ ШОДИЕНАСИГА!

НИҲОЯТ, кутилган кун ҳам келди. Бош майдон қулочи яна ҳам кенг очилди. Байрам тантаналарини томоша қилгани қуёш ҳам бугун гўё эрта тургандек. Унинг заррин нурлари бўй таллашиб кўкка интилаётган фавворалар учида, ер кўрасининг рами бўлган олтинранг шарда, баланд бинолар пештоқига илинган ранг-баранг байроқларда ажиб жилваланмоқда.

Мустақиллик майдони бугун катта тўйхонани эслатади. Фаввораларнинг ёнгинасида улкан саҳна ястанган. Унинг эни 30 ва узунлиги 45 метр келади. Байрамга таклиф этилган республика театрларининг артистлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, бошқа давлатлардан келган санъаткорлар ўз маҳоратларини шу саҳнада намойиш этадилар.

31 август оқшомида бу ерда байрам мушакбозлиги бошланади. Лекин асосий тадбирлар эртага бўлади.

— Бўри Алламуродович, ҳаётимизда кўп байрамларнинг шоҳиди ва иштирокчиси бўлганмиз. Бу галги байрамга тайёргарлик эса ўзгача. Назаримда одамлар қалбида аллақандай кўтаринкилик ҳукмрон...

— Бу табиий ҳол. Чунки Республика мустақиллиги байрами ҳар биримизнинг, ҳар бир оиланинг энг азиз, миллий байрамига айланди. Одамлар қалбидаги Сиз сезган кўтаринкилик ҳам шундан. Бунинг жойларда бўлганимда, одамлар билан суҳбатлашганимда мен ҳам чуқур ҳис этдим.

Ўтган бир йилга назар ташлаган одам ўзбек халқининг ҳам ташки, ҳам ички сиёсатдаги фаолиятини кўриб қувонмасдан иложи йўқ. Шу ўтган бир йилдаги уйғониш хатто даврларда ҳам бўлмаганди. Бундан руҳланмай, шодланмай бўладими, ахир.

Қон тўкмай сиёсий мустақилликни қўлга киритиш тарих сарҳадларида ниҳоятда кам учрайдиган воқеа. Бу борада Президентимиз Ислам Абдуганиевич Қаримовнинг катъияти ва шахсий жасорати сўзсиз катта роль ўйнади. Йиллар, асрлар ўтади, лекин келажак авлод биз эришган мустақиллик онларини энг ширин туйғу билан, серкуёш диёримиз истиқболни белгиловчи тамал тоши сифатида такрор ва такрор тилга олади.

Хур Республикамиз меҳнатқашлари бугун эртанги кунимиз пойдеворини яратиш мақсадида фидокорлик кўрсатмоқдалар. Мустақиллик эълон қилингандан бери ўтган бир йил ичида республикамизда неча ўн йилларга татигулик ишлар амал-

қилотлари билан ҳамкорликда Олий Кенгаш тасдиғига 13 та қонун лойиҳасини киритишни мўлжаллаяпти. Булар меҳнат таътиллари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, экологик муҳофаза, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳалардаги муносабатларни акс эттирувчи қонун лойиҳаларидир.

Битимга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси бир қанча мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Иш ҳақи, меҳнат нафақалари, стипендиялар миқдорини қайта кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга, иш шaroитларини яхшилаш ва экологик хавфсизлик тадбирларини амалга оширишга доир давлат тизимини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Социал таъминот муассасалари ва ташкилотларининг молиявий таъминоти яхшиланади. Халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, сайёҳлик молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

— Битимда белгиланган вазифаларни бажаришда маҳаллий ҳокимликларга ҳам таянишга тўғри келади. Бу ҳамкорлик ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳокимликлар билан ҳамкорлик муносабатлари улар билан тузилаётган Битимлар асосида қуриломоқда. Бу Битимлар аҳолининг кенг табақасини социал ҳимоялашга қаратилган.

Бугунги айём арафасида кўпгина вилоятларда ҳокимликлар билан қасаба уюшмалари фаолларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Сурхондарё,

ва моддий ҳимояга муҳтож тоифасига мансуб кишиларни озиқ-овқат билан кафолатли таъминлаш эҳтиёжларига 7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Санаторий, дам олиш уйлари, соғломлаштириш лагерларига йўлланмалар нархининг бир қисмини қоплашни қасаба уюшмалари ўз зиммаларига олди. Бу ўринда биргина рақамни келтириб ўтаман: болаларни соғломлаштириш ишларига ижтимоий суғурта воситаларидан 172 миллион сўм маблағ ажратилди.

Албатта, бу ишлар ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун ҳам давлат ва маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратиш таклифи билан Республика ҳукуматида чикдик.

Бундан ташқари бозор иқтисодиётига биздан олдинроқ ўтган чет эл давлатлари қасаба уюшмалари тажрибасига амал қилиб яна бир таклифни олға сурмоқчимиз. Ҳозир бизда қўшма қорхоналар, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари тобора кўпайиб бораёпти. Лекин бу соҳада ишлаётган ишчиларни социал ҳимоялаш масаласини ҳеч ким ўйламайпти. Шунинг ҳисобга олиб давлат, ишбилармонлар ва қасаба уюшмалари биргаликда шартнома тузсин, деган талабни қўймоқдамиз. Натижада барча табақа социал ва ҳуқуқий ҳимояланган бўлади. Чет элда шундай тажриба бор.

— Тўғри таъкидладингиз, ҳозирги шароитда кўп масалада чет элликлар тажрибаси қўл келиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиб республика қасаба уюшмалари Федерацияси чет эл қасаба уюшмаси ташкилотлари билан қандай алоқалар ўрнатаётгани ҳақида бироқ тўхталасан.

— Республикамиз мустақилликка эришган қасаба уюшмалари Федерациясининг чет эл мамлакатлари қасаба уюшмаси ташкилотлари билан алоқалари ривожланиб кетди. Сир эмас, илгари қасаба уюшмаларининг халқаро алоқалари фақат делегациялар алмашиши билан чекланарди. Энди эса ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Ўтган ойларда 70 дан ортиқ қасаба уюшмаси ташкилотларининг вакиллари 30 га яқин хорижий мамлакатларда бўлиб ўзаро амалий алоқалар ўрнатдилар.

Делегацияларимизнинг АКШ, Хитой, Корея, Италия, Туркия каби мамлакатларга қилган сафарлари айниқса самарали бўлди. Сафарлар натижаси сифатида Ўзбекистонда италиялик қасаба уюшмаси фаоллари иштирокида «Бозор иқтисодиёти шароитида қасаба уюшмаларининг фаолияти» мавзусига бағишланган семинар ўтказилди. Италиялик ҳамкасблар жамоа шартномалари тузиш, ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг турли катламлари билан ишлаш борасида олиб бораётган ишлари билан ўртоқлашдилар. Франциялик ҳамкасбларимиз эса Ўзбекистонда бўлганларида, меҳнат жамоаларининг қасаба уюшмаси ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар, ўзаро фикр алмашдилар. Улар билан ҳамкорликда ўтказилган семинар меҳнат низоларини бартараф қилиш йўллари бағишланди.

Биз фақат хорижий мамлакатлар қасаба уюшмалари билан эмас, айни пайтда собиқ СССР таркибидagi республикалар қасаба уюшмалари билан ўрнатилган қадимий дўстлик алоқаларини ҳам тиклашга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари қасаба уюшмалари ўртасида тузилган мувофиқлаштирувчи марказ орқали иш олиб бораёпмиз. Бугунги байрам арафасида республикамизда Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси делегацияси меҳмон бўлди. Делегация аъзолари қасаба уюшмаси ҳаёти, ўлкамизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар, биз билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартномани имзоладилар. Шундай шартномалар яқин кунлар ичида Россия, Беларусия, Озарбайжон, Арманистон мустақил республикалари қасаба уюшмалари билан ҳам тузилади. Инсон бахт-саодати йўлида барча қасаба уюшмалари куч-гайратини бирлаштириш — шiorимиздир. Ҳамиша биз шу шiorга содик қоламиз.

— Юқорида мустақиллик байрами ҳар бир кишининг, ҳар бир хонадоннинг байрами, деб тўғри таъкидладингиз. Демак, байрам шодиёналари бугун республикамиз узра қанот ёзаркан-да.

— Тошкентнинг Мустақиллик майдони байрам марказидир. Лекин у ҳаммани ўз бағрига сиғдира олмаслиги табиий. Шунинг учун байрам шодиёналари ҳар бир қўча, маҳалладан тортиб кишлоқ, район, вилоят марказларигача ёйилиши керак. Бугун ва эртага ҳамма ватандошларимиз мустақиллик байрами нашидасини сурсин. Биз байрамга атаб Фахрий Ерлик таъсис этган эдик. Қутлуг айём арафасида уни мустақилликка меҳнати сингган кишиларга топширдик.

Мен «Ишонч» газетасининг ижодий жамоасини, газета орқали барча ватандошларимни қутлуг айём — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Хур Республикамизни гуллаб яшнатиш йўлида барчангизга улкан зафарлар тилайман. **ЎЛКАМИЗГА ОМАД ҚУЛИБ БОҚА-ВЕРСИН!**



ЎЛКАМИЗГА ОМАД ҚУЛИБ БОҚАВЕРСИН!

УЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАИСИ
БУРИ АЛЛАМУРОДОВ БИЛАН СУҲБАТ

га ошди. 120 дан ортиқ хорижий давлатлар диёримизни мустақил республика сифатида эътироф этди. Ўзбекистон давлат байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти узра қилпирай бошлади. Республикамиз жаҳоннинг кўплаб бообрў ташкилотларига тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Қиска вақт ичида қанчадан-қанча мамлакатларнинг олий даражадаги вакиллари келиб кетди. Президентимиз бошлиқ ҳукумат вакиллари бир қатор дўст мамлакатларда сафарда бўлди. Ўзаро учрашувлар давомида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган муҳим битимлар имзоланди.

Республикамиз ҳаётида рўй бераётган барча ижобий ўзгаришларни қасаба уюшмалари қувонч билан қарши олмоқда. Қасаба уюшмалари ўз аъзоларини истиқлол йўлида бирлашишга, жинслашишга, ҳукуматимиз ўйлаган ҳаётбахш дастурларни амалга оширишда биргаликда ҳаракат қилишга даъват этмоқда. Бугунги кунда тинчлик ва осойишталик биз учун сув билан ҳаводек зарур. Осойишта ўлка бўлганлигимиз учун ҳам биз томон талпинаётган чет эллик ишбилармонлар сони тобора ортиб бораёпти. Биз сафларимизни янада мустаҳкамлаш чораларини кўраверамиз. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси қасаба уюшмалари Федерацияси барча масалаларни тармоқ ва минтақа қасаба уюшмалари билан бамаслаҳат ҳал этмоқда, ҳаётини муаммолар ечимини биргаликда изламоқдалар. Шундай ҳамкорлик республика ҳукумати билан ҳам ўрнатилган.

— Шу ўринда Республика қасаба уюшмалари Федерацияси билан Вазирлар Маҳкамаси ўртасида имзоланган Битимни мисол сифатида тилга олсан бўладими?

— Албатта. Адашмасам, Битим матни билан «Ишонч» газетхонлари ўз вақтида танишиб чиқишган. Битим ўзбек ва рус тилларида газетада эълон қилинган эди. Бундай қўшма битимлар тузиш тажрибасига ривожланган барча мамлакатларда амал қилинаёпти. Биз ҳам икки йилдирки, республика ҳукумати билан Битим асосида ҳамкорлик қилаёпмиз.

Ўзаро тузилган битимдан қузатилган мақсад меҳнатқашларини социал ва иқтисодий ҳимоялаш бўйича биргаликда қилинаётган ҳаракатни янада кучайтиришдан иборат. Ҳар бир томон бажариши лозим бўлган вазифалар Битимда аниқ-равшан ифодаб берилган. Битимга асосан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда бошқа жамоат таш-

Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги учрашувларда бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар аниқроқ белгилаб олинди. Бухоро вилояти ҳокимлиги вилоят қасаба уюшмалари кенгаши билан Битимни бажариш юзасидан қўшма қарор қабул қилди.

Эътироф этиш керакки, бундай йўл ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг энг қулай ва самарали усулидир. Маҳаллий бошқарув ташкилотлари бизнинг саъйи-ҳаракатларимизга кўра аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат жамоаларининг яхлитлигини ва қорхоналарнинг нисбатан муайянлигини сақлаб қолиш масалаларини ҳал этишда анча-мунча ишларни амалга оширдилар.

Етилган муаммоларни бамаслаҳат ҳал этиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилаёпти. Лекин бозор муносабатларига ўтиш шароитида кун сайин янги-янги муаммолар юзага келмоқдаки, бу ҳол биздан ўз фаолиятимизни янги жараёнга мослаб ташкил этишга ундамоқда.

«Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни эркин ҳаракат қилишимиз учун кенг йўл очди. Бу қонунни биз Федерация кенгашида кўриб чиқиб қўшимча чора-тадбирлар белгиламоқчимиз.

Биз бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин жараёнларини хушёрлик ва сергаклик билан таҳлил этиб бораёпмиз, нарх-наволарнинг бекиёс даражада ўсиши ва турмуш даражасининг пасайиб бориши шароитида турли катламлар вакиллари, айниқса ёрдамга ўта муҳтож бўлган кексалар, етим-есирлар, ногиронлар, талабалар, кўп болали оилалар, касалманд болаларни ҳар жиҳатдан ҳимояга олиш йўлида аниқ режалар тузмоқдамиз.

Орол фожеаси ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди. Федерация кенгашининг саъйи-ҳаракати билан бу йил Оролбўйида яшаётган 16 мингдан зиёд бола бепул соғломлаштирилди. Қорақалпоғистон қасаба уюшмалари Кенгашининг ташаббуси билан «Орол болаларига» деб аталган ёрдам жамғармаси ташкил этилди. Федерация кенгаши ана шу жамғармага 1 миллион сўм маблағ ажратди. Федерация ташаббуси билан очилган талабалар жамғармасига ҳам 1 миллион сўм ажратилди ва қўшимча равишда 40 мингдан зиёд талабани санаторий-профилакторийларда бепул соғломлаштиришни ўз зиммасига олди. Кам таъминланган оилалар, яққа-ёлғизлар, ногиронлар, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг ижтимоий



ҲАР бир кишининг ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади. Хусусан, бу воқеалар севган ватанингиз ва миллатингиз тақдирини сиз кўпдан орзу қилган озодлик ва мустақиллик томон дадил бурганига гувоҳ бўлсангиз ва шу тарихий ишларда бевосита иштирок этсангиз улар хотирангизда ўчмас из қолдиради.

Бултурги август ойининг сўнги кунда Олий Кенгашимиз сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги ҳақидаги Қонунни бир овоздан қабул қилган пайтимизда кўзларим қувонч ёшларига тўлгани ёдимда бор.

Албатта, бизни шу мустақиллик сари олиб келган тарихий жараёнлар анча олдин бошланган эди. Бу жараёнларнинг илк босқичи — июнь ойида қабул қилинган Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларацияси бўлди. Ўша кезлардаёқ миллий руҳимизга мос келадиган байроқ ва янги давлат гербининг илк лойиҳаларини яратиш бўйича иш бошланган эди. Аммо дастлабки танловлар қутилган натижани бермади. Шунинг учун бултурги ёзда сессия муҳокамасига қўйилган байроқ ва герб лойиҳалари кўпчиликни қониқтирмади ва келгуси сессияга қолдирилди. Бу соҳадаги ижодий изланишлар сустрок бораётган пайтда 1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунё тарихининг улуғ майдонига чиқди. Қани энди ўша пайтда бизнинг миллий истиклолимизни гўзал рамзлар воситасида жаҳонга кўрсатган ой ва юлдузли байроғимиз ва бутун Ўзбекистонни қанотлари билан кучиб турган олов кўзли Бахт ўшимиз бўлса эди! Ҳамма депутатлар ўрнимиздан туриб, қувониб қарсақ чаламиз. Лекин бизнинг бу қувончимизга қувонч қўшадиган яна нимадир етишмаслигини сезамиз. Раёбат тепасидаги фахрий ўричларда ҳамон ўша ноҳақ тўқилган қонларни ифодаладиган қизил, байроқ ва ўроқ-болғали эски герб...

Янги давлат байроғи ва гербига эҳтиёж нақадар катта эканини кўпчилик ўшанда астойдил сезди. Муқобил

лойиҳалар кўп эди. Уларнинг орасидан энг муносибни танлаш ишига Президентимиз Ислам Каримовнинг ўзи бош бўлди. Олий Кенгашимизнинг раиси Шавкат Йўлдошев ҳам вақтини аямай, янги байроқ ва герб яратишга жуда кўп эътибор берди. Истеъдодли ёш рассом Анвар Мамажонов танлов комиссияси берган ғояларни қозғоғда аниқ тасвирлаб кўрсатиш қобилиятига эга эди. Лойиҳаларни беш-ўн марта бошқатдан чизиб керак бўлганда, бу рассом туганмас бир бардош ва ҳафса билан айтилган фикрни тез ва сўз қилиб ифодалаб берарди.

Академик М. С. Салоҳиддинов бошлиқ эксперт комиссиясининг ихтиёрида дунёдаги барча давлатларнинг байроқларини рангдор қилиб тасвирлаб кўрсатган харитасимон материаллар бор. Ўзбекистон байроғи уларнинг

борилганини кўрсатиб турибди. «Бизда демократия йўқ» дейдиган кишиларга эътироз тарзида байроқ ва герб танловининг сал кам бир йил давомида депутатлар ва жамоатчилик муҳокамасидан қайта-қайта ўтказилганини, билдирилган яхши фикрлар лойиҳаларни такомиллаштиришга катта ёрдам берганини далил қилиб келтирмоқдам.

Айниқса, янги байроғимизга ярашиб тушган 12 юлдуз атрофида қизгин мунозаралар бўлгани кўпчиликка маълум. Биз 12 юлдузнинг диний маънавларга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, Сирдарё ва Амударё бўйларида яратилган қуёш тақвимининг 12 ойи, осмоннинг 12 буржи ва уларга ном берган 12 туркум юлдузлар минг йиллардан буён халқимиз орасида эъзоз билан тилга олинишини, бу ҳаммаси бизнинг қадимий миллий анъаналари-

нишманд ажодларимиз тажрибасидан ҳам келиб чиқади. Мамлакатимизнинг улуғ алломалари, шу жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг устози Мирсаид Барақа ва Мирзо Бобурнинг дўсти бўлган машҳур тарихчи Хондамир 12 рақамини ҳикмат ва мукамаллик рамзи деб ҳисоблаганлар. «Темур тузуқлари»да Соҳибқирон ўз фуқароларини 12 тоифага бўлиб, ҳар бирига алоҳида эътибор бергани учун катта ғалабаларга эришганини махсус таъкидлайди.

Янги байроқ атрофида бўлган қизгин мунозараларда қайси томон ҳақ бўлганини ҳозир ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Шу йилнинг эрта баҳорда Ўзбекистоннинг янги байроғи Бирлашган Миллатлар ташкилоти олдидан кўтарилганда хориждаги ватандошларимиз ўша ерга тўпланишиб, бу ҳодисани узоқ давом этган олқишлар ва қарсақлар билан қутиб олганликларни матбуотда ёзилди. Президентимиз Саудия Арабистонига сафар қилганда янги байроғимиз муқаддас Маккада ҳилпираб турганини зангори экранларда кўрдик. Фақат хорижда эмас, жумҳуриятимиз вилоятларида ҳам байроғимиз катта эъзозга сазовор бўлаётгани ва кишиларимиз қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотаётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.


Худди шу фикрни ўтган сессияда қабул қилинган янги давлат гербимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин. Унинг марказида турган Бахт қуши — Ҳумо туркий тилдаги тарихий манбааларда Давлат Қуши ва Қултибулғон деб ҳам аталади. Ўзбек халқ эртақларида Ҳумо — инсонга бахт келтирувчи, уни бало-қазодан асрайдиган олийжаноб қуш сифатида тасвирланади. Гербимиз тепасидаги саккиз қирралик мусамман аса ҳаётнинг кўп қиррали эканини, унинг барча қирраларини муқаддас ғоя ичдан бирлаштириш туришини, шундай муқаддас бирлик бор жойда қут-барақа бўлишини ифодалайди.

Бугун бизнинг муқаддас ғоямиз ва бурчимиз Ўзбекистоннинг озодлиги ва мустақиллигини кўз қорачигидай асрашдир. Биз бутун халқимизни ягона миллий руҳ билан суғориб, жаҳоннинг энг фаровон ва тинч ҳаёт кечираётган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига интилоқдамиз.

Эзгу тилагимиз шуки, халқ депутатлари илк бор оёққа туриб, олқиш ва қарсақлар билан қутиб олган миллий байроғимиз ва гербимиз барча Ўзбекистонликларни ўз атрофига жипслаштирсину, улар учун ҳамisha илҳом ва миллий ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилсин.

Пиримкул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият қўмитаси раиси.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ РАМЗЛАРИ



ҳеч бирини айнан такрор этмаслиги, балки ўзига хос табиатимиз, тарихимиз ва миллий руҳимизни байроқ рамзларида беназир акс эттириши керак эди.

Бу изланишлар жараёнида тарихимизга мурожаат этдик. Аммо музейларимиздан Амир Темур ва унинг авлодлари тузган давлатларнинг байроқлари нусхасини топиш амри маҳол эди. Хайрият, туркиялик биродарларимиз барча туркий халқларнинг тарихида ўтган улуғ давлатлар байроқларини топиб, уларнинг ёрқин тасвирларини катта бир саҳифада чиройли шаклда чоп этган эканлар. Амир Темур байроғининг гўзал мовий рангини ва ғазнавийлар байроғининг тиник яшил тасвирини биз шу ердан топдик ва улардан рангли нусхалар кўчиртириб, сессия пайтида халқ депутатларига кўрсатдик. Академик А. Аскарлов ва машҳур тарихчи олим Б. Аҳмедов билан биргаликда телевизор орқали кишилар қилиб, байроқ билан гербнинг турли муқобил вариантларини кенг жамоатчилик олдидан шарҳлаб бердик.

Бу тафсилотлар янги байроқ ва давлат гербининг танлови ошқоралик руҳида ва демократик усулда олиб

бир билан чамбарчас боғлиқ эканини матбуотда такрор-такрор айтдик. Бироқ факт ва далил билан ҳисоблашмайдиган айрим кишилар 12 юлдузга шунча маънабининг 12 имомига боғлаб, асоссиз даъволар қилишди. Бу даъволардан бири ёзувчилар уюшмасининг ўнинчи қурултойи минбаридан ўзини адиб деб ҳисоблайдиган, аммо оддий бир инсоний одобни билмайдиган ҳамкасбимиз томонидан шахсиятга тегадиган кўпол шаклларда айтилди. Шунда ҳам биз мунозара маданиятига риоя қилдик, қўшни мамлакат бўлган Эроннинг имомия маънабига ҳурмат билан қарашимиз кераклигини, ўн икки имом-пайғамбаримиз авлодларидан бўлганлиги учун уларга салбий муносабатда бўлиш ноўрин эканини эслатиб, одобни беадаб ҳамкасбимиздан ўрганишга интилдик. Энг муҳими шуки, ўн икки имом хотираси ҳеч қачон юлдузлар билан ифодаланган эмас, балки қурбонлар қонини эслатувчи кизил ранг билан ифодаланган. Буни Эроннинг бугунги байроғидаги кизил ранг ҳам кўрсатиб турибди.

Бизнинг байроғимиздаги 12 юлдуз эса Улуғбекнинг «Зичи Кўрагоний»сидан ва мучал ҳисобини яратган до-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1992 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги байрами муносабати билан:

1. Республика ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 1250 сўм қилиб белгилансин.

1992 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларининг табақалаштирилган миқдорлари жорий этилиб, бунда мазкур Фармонда белгиланган энг оз миқдор асос қилиб олинсин.

2. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 1600 сўм бўлишини мўлжаллаб нафақалар миқдори белгилансин. Бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасигача өтказилсин.

3. Бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимла-

рининг иш ҳақи 25 фоиз оширилсин.

4. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 1250 сўм миқдоридан белгилансин.

Меҳнатқашлар барча тоифаларининг ўртача иш ҳақи, умуман оширилишини ҳисобга олиб, ойига 5250 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинмайдиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12 фоиз) белгилансин.

5. Олий ўқув юртлири талабаларининг стипендиялари, техникумлар ҳамда кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлири ўқувчиларнинг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин, бунда имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари бекор қилинсин. Талабаларнинг ошқоналари ва буфетларида тушлик овқатларининг қийматидан 50

фоизли чегиртмалар сақлаб қолинсин.

6. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлар меҳнат унвдорлигини ва ишлаб чиқариш (ишлар ва хизматлар) ҳажмларини тегишли даражада оширишни таъминлаган тақдирда ушбу Фармонда белгиланган энг оз миқдорни ҳисобга олиб, ишловчиларнинг маошини янада оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июндаги 433-сонли Фармони 4, 5, 6-бандлари ва 3-бандининг имтиёзли овқатланиш учун ойлик қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисидаги қисми ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Вазирлар маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўйба-р чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

9. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар маҳкамасининг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 1992 йил
25 август.

Фаррух, Обид, Ғиёс ва «Умид» гуруҳи

Ўзбекистон пойтахти касаба уюшмаларининг биринчи совриндорлари бўлдилар

УЛКАМИЗНИНГ ўзига хос маданияти ва санъатини тарғиб этишда самарали меҳнат қилиб келадиган, халқимизнинг маънавий оламини бойитишга, ўсиб келадиган авлодни эстетик ва ахлоқий тарбиялашга кўмаклашадиган, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак даражали репертуарлар ижод этган, ижрочилик маҳоратига эга бўлган бир гуруҳ санъаткорлар Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг биринчи совриндори бўлдилар.

Совриндорлар орасида республика халқ артисти Фаррух Зокиров бадиий раҳбар бўлган хизмат кўрсатган «Ялла» давлат камер-чолғу ансамбли, Ўзбекистон давлат эстрада гастрол-концерт бирлашмасининг сўз устаси Обид Асомов бошлиқ «Обид-О» миниатюралар театри, хушовоз хонанда Ғиёс Бойтоев ва Ўзбекистон ёшлари кенгаши Марказий Қўмитасига қарашли республика ёшлар уйининг «Умид» гуруҳи бор.

Танловда ғолиб чиққан бу жамоаларнинг ҳар бири лауреатлик дипломи, 2 минг сўм пул мукофоти ва Ўзбекистон республикаси пойтахти касаба уюшмалари мукофотининг совриндори Фахрий нишони билан тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги арафасида танлов ғолибларини таништириш маросими бўлиб ўтди. Республика касаба уюшмалари кенгаши Федерацияси раисининг ўринбосари М. Тўлаганова шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Мирпўлатов, ва бошқалар ғолибларни чин дилдан муборакбод этдилар ҳамда уларга юксак ижодий муваффақиятлар тилладилар.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан республика халқ артисти Фаррух Зокиров маданият ва санъат ходимларига кўрсатилаётган эътибор учун касаба уюшмаларига миннатдорчилик билдиради. Касаба уюшмаси фаоллари билан санъаткорлар ўртасидаги суҳбат бир пиёла чой устида узоқ давом этди.



— Улуғ кишилар ҳақида фикр айтиш, етти ўлчаб бир кесишдан ҳам кийин. Айниқса, у киши атрофида турли хил гаплар бўлиб турган замонда. Масъулиятдан ёки жавобгарликдан чўчимадингизми?

— Йўқ, мен ўзим билган ва кўрган воқеалар атрофида фикр юритдим, холос. Қаламимга ортиқча эрк бермадим. Юрагимдаги бор гапни тўкиб-солиб зиммамдаги қарзни бир қадар узгандек бўлдим.

Катта-кичик замондошларим у кишининг олдида ўзларини озми-кўпми қарздордек ҳис этадилар. Айниқса, зиёлилар. Ёзувчи ва журналистлар, санъаткор ва олимлар Шароф Рашидовичдан кўп мурувват кўрдилар. Зиёлиларни ардоқлаган эл қамол тонди, «Тургунлик» деб аталган даврда янги Тошкент жамол очди, чўллар ўзлаштирилди, хонадонимизга кутбароқа ёғилди. Айрим ношуқур бандалар ўша кунларимизни бутунлай қораламоқчи, ўтмишга таъна тошларини отмоқчи бўлдилар. Ҳаётнинг фақат қора томонларини кўриб, барча гуноҳларга фақат бир кишини ботирмоқчи бўлдилар. Лекин бу инсофдан эмас эди. Мен билганларимни айтиш учун кўлимга қалам олдим ва баҳоли қудрат Шароф Рашидовнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеаларнинг баъзиларини тасвирлаб бердим. Ёзганларим келажакда ул зоти шариф ҳақида битилган китобларга бир томизги бўлса ажаб эмас.

Мен марҳумнинг фақат яхши томонлари ҳусусида фикр юритишга ҳаракат қилдим. Ҳадисларда «Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар... Ўлиб кетганларни ҳақорат қилувчи одам ҳалокатга яқиндир... Обрули кишиларнинг хато ва камчиликларини кечиринглар...» деган сўзлар ҳар бир қаламкашга, ҳар бир нотикка қарата айтилгандек туюлди, менга.

Лекин мен Шароф Рашидов шахсиятини илоҳийлаштириш ниятидан йироқман. У киши ҳам инсон эди. Камчиликларга йўл қўйган бўлишлари табиий. Беайб парвардигор.

— Шароф Рашидовга меҳрингиз баландлигининг боиси нимада?

— Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Университетни тамомлагач, курсдошим Содир Нуъмонов билан бирга «Тошкент ҳақиқати» газетасига ишга келдик. Лекин кейинчалик бирга ишлаш насиб этмади. Содир тунги навбатчиликни тамомлаб, уйига кетаётган пайтда автомобиль ҳалокатига учраб, ҳаётдан бевақт кўз юмди. Эрталаб бу воқеадан хабардор бўлган Шароф ака зудлик билан муҳарриримиз Зиёд Есенбоевни ҳузурига чақирди. Таъзиянома ёзиб, марҳумнинг оиласига етказишни илтимос қилибди, ўшанда.

Муҳарриримиз марҳумни дафн этиш чоғида шу таъзияномани эл ўртасида ўқиб берди. Оддий бир муҳбирга республика Олий Кенгаши Раё-

га жўнадим. Шароф ака самимий қабул қилдилар. Чўлда неча йилдан бери ишлаётганимни, оиламни суриштирдилар. Гап орасида зимдан уст-бошимга ҳам қараб қўйдилар. Кийим-бошни ҳам алмаштирмай даладан тўғри келаверганим, ўшанда. Барақалла, бизга шундай дехкон одамлар керак, дедилар ва максалдага кўчдилар.

Кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Шароф ака шунчалар дилдан, туғишганлардек эркин суҳбатлашганларидан гоё таъсирландим... Кейинчалик бюро мажлисларида ишнинг боришини тез-тез суриштириб турдилар. Бу мен учун далда бўлди. У кишининг журналистларга бўлган муносабатини кўриб, бошқа раҳбарлар ҳам биз билан ҳисоблашишга мажбур бўлардилар. Шу воқеалар китобнинг маҳсуси бобидан хикоя қилинган.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдида

Исмоил СУЛАЙМОНОВ:

«ҚАЛАМИМГА ОРТИҚЧА ЭРК БЕРМАДИМ»

Атоқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланадиган кунларда таниқли журналист ва публицист Исмоил Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» номли китоби қўлингизга бориб тегади. Китобни «Ўзбекистон» нашриёти босмага тайёрламоқда. Муаллиф билан муҳбиримиз суҳбати китобнинг яратилишига туртки бўлган воқеалар, шахс ва жамият, оқибат ва фидойилик ҳусусида борди.

сати раисининг бунчалик эътибори Шароф акага бўлган меҳримни ошириб юборди. Бошқаларнинг ҳам унга меҳри товганиб кетди.

Кейинчалик хизмат юзасидан Шароф ака ҳузурда кўп марта бўлишга, юзма-юз суҳбатлашишга тўғри келди. Шунда мен у кишининг одамларга нақадар меҳрибонлиги ва самимийлигини, айти пайтда талабчанлигини ҳис этдим. Бу «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталарига бош муҳаррир этиб тайинланишим пайтида яна бир бор тасдиқланди.

«Сирдарё ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилиб юрган кезларимда мени Дўстлик районидаги Қосим Рахимов номли совхозга вакил этиб юборишди. Вакил кун бўйи шу хўжаликда бўлиши, муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиши лозим эди. Бир кун далада айланган юрсак райкўм вакили шошилиб келиб қолди ва тезда, ҳозирок Марказқўмга боришим кераклигини айтди. Тошкент-

— Демак, Шароф ака ҳақида китоб ёзиш фикри сизда илгарирок туғилган экан-да.

— Ҳа, бир кун ёзувчи ва журналист Гани Жаҳонгиров билан суҳбатлашиб ўтириб гап мавзуи Шароф аканинг ҳаётига бориб такалди. Мен у киши билан боғлиқ бир қатор воқеаларни айтиб бердим. Суҳбатдошим бу лавҳаларни қизиқиб тинглади ва шуларни хотира тарзида ёзишни маслаҳат берди. У пайтларда Шароф аканинг шахсига ҳужум айтиш авжига чиққан палла бўлганлиги учун хотиралар ёзишга юрагим дов бермади. Лекин ёзиш кераклигини, шу улуг инсон ҳаёти билан боғлиқ эркин саҳифаларни бўямай халққа етказиш зарурлигини юрагимнинг бир чеккасига туғиб қўйган эдим. Эпизодларни эслаб миямда пишириб боравердим. Республика Мустанкил деб эълон қилинган кун бўлажак китобнинг номи қозғога тушди. Уни «ЭЛ ОТАСИ ЭДИ» деб атадим. Асосий бобларни

20 декабрда ёзиб тамомладим ва биринчи бўлиб Шароф акани яхши билган устозим Зиёд-ака Есенбоевга ўқитдим. Сўнг, «Ўзбекистон овози» газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири Расул Раҳмонов кўлэзма билан танишиб чиқди. Улар ёзганларимга ижобий баҳо беришиб, баъзи истакларни билдиришди. Шу тариха боблар секин-аста шакллана борди.

Китобнинг бир боби билан дастлаб, «Ўзбекистон овози» газетаси мухлислари танишдилар. У газетанинг 1992 йил 26 февраль сонидан босилиб чиқди. Ўқиган кишилар мамнун бўлиб, менга ҳақлар ёзишди. Шундан сўнг, навбатдаги боблар бирин-кетин бошқа газеталарда ҳам эълон қилинди. Ёзганларимни тўплаб, чала жойларини тўлдириб, китоб ҳолида нашр этиш истаги кучайди.

Сизга ёлғон бўлса ҳам ҳудога чин — Рашидовнинг юки босди шекилли, дастлаб қалам сустроқ тебранарди. Кейин Шароф аканинг қабрини зиёрат қилдим. У кишининг руҳи-поклари мадал берди шекилли, фикрларим тиниклашиб, қалам илдамрок тебрана бошлади. Шу тариха, тўққиз бобдан иборат хотира китоби пайдо бўлди.

— Изланишлар яна давом этапти чоғи, столингиз устида кўлэзмалар, суратлар, папкалар...

— Албатта, Шароф аканинг ҳаёти жўшқин кечган воқеаларга бой бўлган. Мен уларни ўзим ва ўзгалар кўзи билан таҳлил этайман. Китоб ёзиш жараёнида Шароф аканинг шахсий соқчиси бўлиб ишлаган истеъфодаги полковник Аҳмаджон Азизов, собиқ шахсий врач Сабхонқул Орипов, собиқ партия ходимлари Бектош Рахимов, Оқил Салимов, Суюн Тўхлиев, укаси Асил Рашидов ва бошқа замондошларим билан суҳбатлашдим.

Айни пайтда, иккинчи йўналиш бўйича ҳам иш олиб бораёяман. Хабарингиз бор, ҳозир газеталарда Шароф ака ҳақида жуда кўп эсдаликлар, хотиралар, ёдномалар чоп этилмоқда. Шуларни тўплаб саралаб китоб шаклида ўқувчиларга тақдим этиш ниятидаман. Ҳозиргача йиғган материалларим 20 босма табоққа етиб қолди. Уларни яна бир қарра кўриб чиқишимиз, пишитишимиз керак бўлади.

Ўтганлар руҳини қанчалар шод айласак, келажак авлод ҳам бизни шунчалар эъзозлайди. Шундай экан, марҳумларга ҳам, тирикларга ҳам хизматимизни аямайлик. Бир-биримизга оқибатли, саховатли бўлсак, қадриятларимиз завоқ кўрмайди. Биз қутган замонлар энди келди. Одамларга яхшилик қилишга шошилайлик, яхшиларга хайрихоҳ бўлайлик!

Суҳбатдош: Жасур НОСИРОВ.



Ўзбек халқининг севимли фарзанди, таниқли адиб ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг ҳаёти фақат адиблар билан журналистларни эмас, киночиларни ҳам қизиқтирмоқда. Ҳозир «Ўзбекфильм» киностудияси ҳузурдаги «Юлдуз» ва «Давр» ижодий бирлашмалари Шароф Рашидовнинг парвози ва фожеаси ҳақида тўла метражли бадий-публицистик ҳужжатли фильм яратмоқда. Фильм сценарийсини А. Хўжаев ва Б. Музаффаров ёзишган. Оператор М. Салимов уни суратга олмоқда. Фильм Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги арафасида экранга чиқади.

Суратларда: Режиссёр Б. Музаффаров ва оператор М. Салимов яна бир кўринишини суратга туширмоқдалар. Фильмдан кадр.

Сураткаш: Содик МАҲКАМОВ.



СЕН УЛУҒ НЕЪМАТСАН...

ИСТИҚЛОЛ

Сен улуг неъматсан! Сен туғилдинг олам мунаввар, кўнгилларда ифтихор туйғуси, кўзларда севинч ёшлари халқаланди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги ҳақидаги Қонун гуруримиз, фахримиз, ҳур фикримиз дебонаси бўлиб, тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфларли битилажак.

Сен дунёга келганигда асрлар оша қарамликдан чиқарилмай, фақат сенга талпиниб, сенга интиқ қалбларнинг юзлари ёруғ, кўнгиллари масрур бўлди. Дилда ўкинч, кўнгил тубида армон билан шаҳид кетган ота-боболаримиз, мунис момоларимизнинг эзгу ниятлари ижобат бўлди.

ИСТИҚЛОЛ!

Сен улуг неъматсан! Шу тобда сен кўзлари тийрак, талпинчоқ болакайга ўхшайсан. Сени ўғлимга, қизимга менга задим. Сен менинг жону жаҳоним, дуоларим, илтижоларим ижобати — Муродимсан! Сен менинг элга маъмурчилик олиб келадиган, суякли — Маъмурамсан!

Жажжи оёқчаларинг эса, дадил одимлашни ўрганаётир. Қадамингдан гул исси тўкилади. Хозирча сен меҳр-мируватга, асраб-авайлашга, ардоқлаб-суюшга муҳтожсан. Хадемай, қадамларинг дадиллашади.

ИСТИҚЛОЛ!

Сен улуг неъматсан! Сени ўт балосидан, сув балосидан,

МЕН ТУҒИЛГАН ДИЁР

Александр ЕФИМЕНКО,
Украина мустақил касаба уюшмалари
Федерация раиси вазифасини бажарувчи

МЕН ЎЗБЕКИСТОННИ кўз очиб кўрган биринчи ватаним деб биламан: Қашқадарё вилоятида туғилганман, шу ерда эсимни таниганман. Раҳматли отамнинг қабри Қитоб районидан қолган. Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда отам қабрини зиёрат қилиш билан бирга ёшликда бирга катта бўлган дўстларимни кўраман. Руҳим энгил тортиб яна Украинага қайтаман.

Украина билан Ўзбекистонни ўзаро меҳр-муҳаббат ва оқибат ришталари боғлаб турибди. Биз азалдан ога-инилардек дўст ва биродарларимиз. Ҳатто мустақиллик кунни байрамлари ҳам кетма-кет ўтаётди. Бундан бир ҳафта муқаддам Украина меҳнаткашлари ўз республикалари мустақиллигининг бир йиллигини эър шоду-хуррамлик билан нишонлаган эдилар. Бугун эса Ўзбекистонлик биродарларимиз ўз республикалари мустақиллигининг бир йиллигини байрам қилаётганлар. Уларга қўшилиб биз ҳам шодланаёямиз.

Шу қутлуғ кун арафасида Тошкентда ажойиб воқеа рўй берди: Ўзбекистон ва Украина касаба уюшмалари Федерациялари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик битими имзоланди. Биз янгича шароитда биринчи бўлиб Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан шундай битимни имзоладик. Бу ҳуқуқий ҳужжат бундан буёнги алоқаларни янада мустаҳкамлашга асос бўлади, синовлардан ўтган қадимий дўстлик ва ҳамкорликни қайта тиклашга қўмаклашади.

Мен имкониятдан фойдаланиб, «Ишонч» газетаси орқали барча ўзбек биродарларимни мустақиллик кунни байрами билан чин дилдан муборакбод этаман, ўкин дастурхонингизга кут-барака тилайман.

НУР УСТИГА АЪЛО НУР

Омонулло САФОЕВ,

Ўзбекистон маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмаси
Марказий Қўмитасининг раиси.

Тармоғимиз Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигини меҳнатда эришган ютуқларини намойиш этиш билан кутиб олдилар. Чунинчи, мустақиллик шабадаси чинакам эса бошлаган шу йилнинг биринчи ярмида тармоғимиз Маҳаллий саноат вазирлигига қарашли корхоналарида 4 миллиард 760 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланди.

Ўз сафида 400 мингга яқин аъзони бирлаштирган тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси катта меҳнаткашлар оммасини социал ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда собитқадамлик кўрсатмоқда. Сабаби, мустақиллик биз учун эркин ва кенг уфқлар очиб берди. Хизматлар тури ва тармоғини имкони борича кенгайтираёямиз. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари кафолатланган қонуннинг мустақиллик байрами арафасида қабул этилганлиги нур устига нур бўлди. Истиқлол бизни янги кенгайликларни забт этишга руҳлантирмоқда.

қуруқ тухмат балосидан, яна қанчадан-қанча қаттол балою қазолардан соғ-омон олиб ўтишимиз зарур. Иймони бор қўшниларишимиз кўриб туришибди, мустақил давлатимиз ўз она талимимиз, дину диёнатимиз саховатли тупроғимизга кириб келганини...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносининг пештоқида ҳилпираб турган байроғимиз, бахт элчиси — Ҳумо қўши тасвири туширилган ўз тамғамиз, ер ости, ер усти бойликларимиз — сенинг қадаминг қутлуғ келганидан нишона эмасми, Истиқлол!

ИСТИҚЛОЛ!

Сен улуг неъматсан! Кўпнинг йиллик тарихимиз, она тилимиз адабиётимиз, маданиятимиз, санъатимиз, гўзал ва тақдорланмас обидаларимиз, моддий бойликларимиз сен туфайли ўзимизники. Ҳа, ҳа, ўзимизники бўлди. Ўзбеклар Ватан деганда — уйининг остонасини, тил деганда — они алласини, удум деганда — ота-боболар ўғитини тушунадилар ва унга ҳамшиша амал қиладилар. Худди шу амалларнинг ўзи Истиқлолдир.

ЙЎЛИНГ ЁРУҒ, ҚАДАМЛАРИНГ ДАДИЛ, УМРИНГ
БОҚИЙ БЎЛСИН, ИСТИҚЛОЛ!

Шавкат ТУРОБ.



Қувончингизга шерикмиз.

Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат.

ИШЧИЛАР РУҲИ БАЛАНД

Умриниса МАВЛОНОВА,

«Средазэлектроаппарат» илмий-ишлаб
чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси
қўмитаси раисининг ўринбосари

КУНИ кеча ишга келаётиб кўзим одамлар кўлидаги ранго-ранг байроқчаларга тушди. Яқинда тикув цехимиз шундай байроқчалар тайёрлаш юзасидан буюртма олган эди. Тикувчиларимиз жон-диллари билан ишга киришиб, қутлуғ айём арафасида уларнинг беш юз мингтадан кўпроғини тикиб чиқардилар. Бугун одамлар байроқчаларни ҳилпираб мустақиллик майдони томон келадилар. Бу ҳам байрамга ўзига хос руҳ бағишлайди.

Жамоамиз бугунги айёмни ҳар томонлама тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олди. Ишлаб чиқариш топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича адо этилди. Буюртмалар муваффақиятли бажарилмоқда. Қўп ва сифатли ишлашдан жамоамиз аъзолари манфаатдор бўлмоқдалар. Хозир ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимга маошининг 50 фоизи миқдорда қўшимча тоvon пули тўланапти. Нафақа олувчиларимиз эса ойига 100 сўмдан ёрдам пули олмақдалар.

Кийинчиликлар вақтинча эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Қанчалик унумли ишлаб чиқариш топшириқлари шунчалик тезроқ чекинишига ишончимиз комил. Шунинг билан олиб ҳар бир ишчи ўз зиммасига юкланган вазифани ҳалол бажаришга ҳаракат қилмоқда. Касаба уюшмаси эса уларни ҳар томонлама ҳимояламоқда. Ишчиларга атаб 72 ва 32 квартиралар уйлар сотиб олинди, корхонада савдо маркази ва маиший хизмат шаҳарчаси ташкил этилди. Озик-овқат ва саноат моллари учун шартномалар тузилди. Бугунги ҳаётларидан кўнгли тўлган ишчиларимиз келажак сари дадил одим отмоқдалар.

ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСЛАРИ

Ислом ҲУШИЕВ,
Касаба уюшмалари
Жиззах вилояти
кенгашининг раиси

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигига бир йил тўлди. Утган бир йил Жиззах вилояти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида сезиларли из қолдирди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги Республикаимиз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаш арафасида рўй берганлиги таҳсинга сазовордир.

Касаба уюшмалари кўнгилли жамоат ташкилоти бўлса-да, меҳнаткашларни социал, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга эга бўлган ягона ташкилот эканлиги Қонун матнида ўз аксини топган. Вилоят касаба уюшмалари Қонунда белгиланган ҳуқуқларидан кенг фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада яхшилаш сари интилавердилар.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши мустақиллик кунни арафасида вилоят ҳудудида шанбалик ўтказиб, кўча ва йўللари, корхона, ташкилот, муассаса, хонадон ҳовлиларини ободонлаштиришга қаратилган ишларни амалга оширдилар.

Байрам билан барча ватандошларни чин дилдан муборакбод этаман.



МУРОДГА ЕТГАЙМИЗ, ИНШОЛЛО!

Абдуфаттоҳ ҲОЖИ НАБИХУЖА ўғли,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими, нафақахўр

ШУ ҚУТЛУҒ кунларни кўриш насиб этганлигига минг қарра шуқурлар айтаман. Ота-боболаримиз орзу қилган муродга бизнинг авлод етганлиги бахтимиздир.

Республикаимиз мустақиллигининг биринчи йили бир умр ёдимда қолади. Бу йилда менга бошқа мўмин-муслмонлар қатори муборак ҳаж сафарига бўлиш насиб этди. Ҳаж қилишни раҳматли отам кўп орзу қилган эдилар. Лекин ниятларига ета олмади кетдилар. Мустақиллик туфайли йўлларимиз хориж томон кенг очилганлигидан бағоят шодман.

Замонанинг зайли билан хорижга бош олиб кетган авлод-аждодларимиз билан эндиликда эркин дийдор кўришиш имконини яратилди. Борди-келдилар йўлга қўйилапти, узилган алоқалар тикланапти. Ҳаж сафарига бўлган кунларимда ўша ердаги юртдошларимнинг қалбидаги қувончини кўриб кўзларимга ёш келди, улар республикаимизни мустақиллик йўлига олиб чиққан Президентимизни дуо қилдилар. Ночор аҳволга тушиб қолган ўлкаимизга қўлларидан келганича ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Дўстларимиз мадади, халқимиз меҳнати билан биз тезда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишимизга шак-шубҳа йўқ. Бугунги кийин дамлар ҳадемай унут бўлишига имоним комил. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар. Ёруғ кунларга яқин қолди. Келажакка умид кўзи билан боқаялмиз. Юртимиз тинч ва озоишта бўлса, халқимиз аҳил ва иноқ бўлса, ўйлаган ниятларимизга тезроқ етамиз.

Бугунги қутлуғ кунда барча юртдошларим хонадонига файз ва барака, мустақил ватанимизга бахт ва иқбол тилайман. Миллий байрамингиз муборак бўлсин, дея юртдошларимни бағримга босаман.

ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАЯПМИЗ

Офелия ЮСУПОВА,
Касаба уюшмалари Хоразм
вилояти кенгаши раиси

Республикаимиз мустақиллик байрамини Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилоти фаоллари ҳам муносиб кутиб олдилар. Биз бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига катта эътибор бераялмиз, шу мақсадда анча маблағ сарфлаялмиз. Бугунги кунда вилоят бўйича кам даромадли кўпгина оилалар ва меҳнатчилар касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан турли шаклларда моддий ёрдам олмақдалар.

Қувончлиси шундаки, эндиликда касаба уюшмалари ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, қадриятларини тиклашда фаоллик кўрсатаёптилар, аҳолини соғломлаштириш тадбирлари ҳамшиша диққат марказида турибди. Бу йил мамлакат миқёсидаги 500 ўринли санаторий қурилишини бошладик. Касаба уюшмаларининг фаолиятида кўпгина муваффақиятлар бор.

Республикаимиз мустақиллиги йўлида ўз-лигимизни англай бориб, бутун диққат-эътиборимизни меҳнаткашларга қамқўрлигини янада яхшилаш, касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштиришга интилаялмиз.



**«Бу не буюк бахтки, бугунги кунда дунё харитасида
Ўзбекистон давлати пайдо бўлса!»**

Президентимиз Ислам Каримовнинг бу сўзлари ҳар дақиқа қулоқларимиз остида жаранлаб турибди. Эртага овоз ва ҳур она юртим байроғи мағрур ҳиллираб, Ватаним бўйлаб эрк шабодаси эса бошлаганининг бир йиллик кунини тантана билан кенг нишонлаймиз. Мустақилсан, эй ўзбегим деганда, қулоқларимга ишонмаздим, бугун вужудимни дунда ҳиссёт чулбаб, кўзларимдан қувонч ёшлари, ҳурлик ёшлари топиб нима қиларимни билмай қолгандим. Уша бамисоли сеҳрли кундаги тўғунни ифодалагани бугун ҳатто сўз ҳам ожизлик қилади. Бир йил муқаддам ҳудди шу 31 август кун эълон қилинган Мустақиллик дадил одам отпяти, биз уни ўз кўзимиз билан кўриб, вужудимиз билан ҳис этиб турибмиш.

Йиллик тўғун муборах бўлсин, она юртим Ўзбекистон! Тўйга тўёна билан борни ақидасига содиқ қолиб биз «Ишонч» чилар ҳам бу тантанани «Ҳаётин сабоқлар» деган янги руки очиб туркум суҳбатлар тайёрладик. Мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун ҳали кўп ишлар

қилишимиз, жиддий муаммоларни ҳал этмоғимиз лозимлигини дилдан ҳис этаймиз. Айниқса ечим талаб ишлар қишлоқ хўжалигида кўплаб топилди. «... Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва тўқирроқ яшашлари керак эмасми?» деган Президентимизнинг саволларига «Керак!» деб жавоб берган ва шунча қандай эришниш мумкинлигини бугунроқ ўзининг ҳалол ва фаол ишида исбот қилаётган ажойиб инсонлар республикамизда оз эмас. Ана шундайлардан бири Турғунбой Қўчқорович Мадиевдир.

Узининг илгор қарашлари ва фаол ишлари билан элга танилган, жуссаси кичик бўлса ҳам қалби кенг, иродаси кучли, фалсафий фикрларга бой бўлмиш бу одам Тошкент вилояти Урта Чирчиқ районидаси Ким Пен Ха номидаси жамоа хўжалигига раислик қилади. Бу машҳур хўжаликда бир неча бор бўлдиқ, унинг иши билан танишдик, одамлар билан-дилдан суҳбатлар қурдик ва шундай фикрга келдик: раиснинг қарашлари, фаол иши, тажрибаси умумлашқ бойлигига айлиниши керак. Жамоа хўжалигида қилинаётган барча янгиликлар ўз шароитимизга мослашиб, иллага таялиб; жаҳон практикасида озуқа олган ҳолда қўлланилаётгани Мадиев мактаби пайдо бўлганидан дарак беради. Шу боис газета саҳифаларидан ўрин оладиган суҳбатлар туркумини «Ҳаётин сабоқлар» деб номладик.

— Турғунбой ака, ҳарқалай суҳбатимизни сизни газетачиларга таништиришдан бошлаганимиз маъқулга ўхшайди. Улар кимдан сабоқ олишаётганини билишга ҳаққилар.

— Қандай бўларкин. Асосий мақсад... Турғунбой ака бироз ўнгайисизланди. Мен давом қилдим.

— «Танимасин сийламас» дейди халқимиз. Аввал ўзининг ҳақинида гапириб беринг, кейин қилаётган ишларингиз, қарашларингиз ҳақида сўхбатлашамиз.

— Ҳа майли. Гапирсам гапириб бера қолай. Мен 1942 йилда туғилдим. Мактабда, техникумда, кейин институтда таълим ва билим олдим. Уйланганман. Бешта фарзандим бор. Яна нимани гапирай...

Кизик одам Турғунбой ака. Негат отаси Қўчқор ака ҳақида ҳеч нима демади? Ахир бу киши ўз даврининг машҳур одами бўлган. Хўжалик раиси, МТС директори... Ҳатто бугунги машҳур отахон раис, Меҳнат Ҳаҳрамонни Миразиз ака Рузमतов ҳам Қўчқор акага шогирд бўлган. Йўқ, яхшиси суҳбат олдида кичик интервью ола қолай.

Турғунбой ака сўрабверинг, жавоб беришга тайёрман дегандай, менга қараб қўйдилар.

- Унда тезкор савол-жавоб қиламиз.
- Майли.
- Тўғилган йилингиз ва жойингиз!
- Боя айтим-ку, 1942 йил Қорасув районининг (ҳозир Урта Чирчиқ) Қозоноқки қишлоғида таваллуд топдим.
- Ота, онангиз!
- Отам — Қўчқор ака 1950 йилда, онам — икки йил муқаддам бандаликини бажо қилганлар.
- Оилангиз!
- Хотиним — Рихсixon ўғилларим Фаҳриддин ва Фарҳоджонлар билан кoлхозда ишлайди, Бахтиёр билан Ҳаётжон Тошкентдаги институтларда ўқийди. Қизим Ҳилолаҳон тўққизинчи синфда ўқийди.
- Сиз қадрайдиған хислатлар!
- Нафосатни севиш, кейин паст товусида гапириб.
- Оруннингиз!
- Ҳалоллик, поклик. Халқимнинг бахтли келажagini кўриш.

- Нимага интилмасиз!
- Ҳар бир одамнинг кўнглини олишга, унга яхшилик қилишга.
- Фалсафангиз.
- Биринчиси, мусулмончиликда ҳатто маҳитни бузиш ҳам, агар бир кўприк солиб одамларнинг ўзаро алоқасини тиклаб бериш учун зарур бўлса, гуноҳ ҳисобланмайди. Шундай кўприкни ҳам бизни гуноҳмас, агар битта банди мўминнинг кўнглини олиш учун шу иш қилинса. Хулоса шуки, одамнинг кўнгли нозик, уни оғиритмаслик керак.
- Иккинчиси, сув ёқасида ўтирган одамга балқ эмас, балки қармоқ билан чувалчан беришни маъқул кўраман. Меҳнат қилиб ўзи балқ тутсин, турмушини яхшиласин. Чунки «Киши бекордан-бекор қуруқ гавдани кўтариб юриш учун эмас, балки улуг ва кўламли вазифалар устида ишлаш эмас дунёга келади». Қандай ажойиб гап. Буни италян мезмори Леон Баттиста Альберти айтган. Менинг фалсафам ҳам шундай.
- Нимага қарши курашмоқчисиз!
- Йўқсиллик. Она юртим Ўзбекистонда ҳамма бой, тўқ яшашни истайман.
- Республика қишлоқ хўжалигида қайси ишни тезкор бошлашни зарур деб биласиз!
- Жамоа хўжалиги структурасини ўзгартириш, давлат хўжаликларини йўқотиш, покларини тезлатиш.
- Келажакни ишонасизми!
- Ишонман, хоҳласангиз сизни ҳам ишонтира оламан. Келажак бор, у порлоқ. Ҳадемай ривожланган юксак азим диньрга айланамиз ва ҳур, бой яшаймиз. Мана шундай қисқа савол-жавобдан сўнг қишлоқ хўжалиги тараққиётидаги муаммолар ва тўғ ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларига алоқадор масалалар билан кизиқдим.
- Турғунбой, Қўчқорович, бугун республикамизда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ўзининг қандай босқин

чини ўтапти. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов XII қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июлда сўзлаган нутқида шундай дедилар: «Бугун очиқ айтмасангиз ҳам бўлади. 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узиллиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик». Бу сўзларни қандай шарҳлардингиз! Фақат лўнда фикрингиз...

— Тушундим. Ҳақ лўнда фикрлаган кишини тинглайди, демоқчисиз. Начора, ҳаракат қилиб кўраман. Лекин адабиётчи эмаслигимни ҳисобга олиб қўйинг. Турғунбой ака кўлиб қўйди ва босиқлик билан гап бошлади.

— Республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳозирги даврда ўзининг мураккаб босқинларидан бири, шартли равишда, «Ривожланган социализм» деб аталувчи «бекатингизга етиб келдик, бу «бекат»дан кўзгалтиш ўзининг бир қатор муаммоларини юзага келтирмоқда. Ун йиллаб ҳал этилмаган муаммолар эса, янада зиддиятлорроқ тус олмақда.

Ана шу муаммолар тизими ижтимоий-иқтисодий бухрон (кризис)ни зоҳир қилди. Бухрон эса, оддий фуқароларнинг турмуш даражасини кескин пасайтирди. Бу ҳам етмагандай, миллионлаб оила хонадони остонасига қашшоқлик тажовуз қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаси какилтирган сўзлари бекорга айтилган эмас. Ислам акининг яқинда чоп этилган «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» китобчаси менга ёқди. Унда маъмулан теран, ўз вақтида толиб айтилган фикрлар жуда кўп. Мен суҳбатимиз давомида ўша китобчага кўп марта қайтаман.

— Бемалол. Лекин айтгинчи, сиз юқоридаси айтган зоҳирот сиёсий иқтисод дорликларидаси уқтирилган капитализмни тузумдаги бухронларми!

— Асло. Биздаги бухрон тубдан фарқ қилади. Капитализм шароитидаги бухронлар ортиқча ишлаб чиқариш ҳисобига рўй беради. Унда нарх-наво тушиб кетади, корхоналар ёпилади. Ишсизлик кўпаяди. Лекин шахсий истеъмол даражаси кескин камаймайди. Биздаги бухрон шароитида тақчиллик кучаяди. Корхоналар эса хом ашё етмаганидан ёпилади. Ишчи кучи етарли, ҳатто нисбий ортиқча бўла туриб, ундан юз ўғирилади.

— Биздаги бухрон бир гуруҳ сиёсатчилар фаолиятининг натижаси десак тўғри бўладими!

— Бу фикрни бир томонлама эътироф қилиш мумкин. Чунки сиёсатчилар бухроннинг тезроқ юзага чиқишига ўз ҳиссалари билан етарлича иштирок этдилар, дейиш тўғри бўлади.

— Аслида-чи!

— Аслида бухрон «давлат мулкчилиги», демократик централизм принциплари асосида юқоридан кўнйга қараб режалаштириш оқибати сифатида намoён бўлди. Хуллас, меҳнаткаш халқнинг шўрига шўрва тўкилди.

Менимча, бу инқирозга собиқ СССР давлатининг нотўғри иқтисодий сиёсати ва ёлғон мафкураси туфайли дучор бўлдиқ. Масалан, шарқда энг ривожланган Япония, Жанубий Корея ёки Сингапурни олинг. Унинг иқтисодини бир таҳлил қилиб кўрайлик-чи. Агар бу давлатлар ривожини 100 фоиз деб оладиган бўлсан, унинг мустаҳкам устуни ёки фонд жихатдан олсан 70 фоиз ҳалоллик, поклик, инсонларнинг иши билан сўзи бирилтидир. 15 фоизни фан-техника тараққиёти ва қолган 15 фоизни тадбиркорлик зиммасига юклатилган. Бу давлатлар ва ҳаттоки АҚШ ҳам ўз ривожланишида, яъни тараққиётида мана шу уч устунига суянади. Яна шуну ҳам айтиш керак-ки, тўртинчи устуни ҳам бор. Бу ер ости бойликларида фойдаланиш. АҚШ буну ҳали ишга солгани йўқ.

— Бизнинг собиқ СССРда нима бўлди!

— Бизда ҳалоллик, поклик қозғода қолиб, ҳаётда унинг яқинига йўламадик. Боя айтган 70 фоизнинг 7 фоиз ҳам бизда йўқ эди. Иккинчи устуни — илм-фан, техника тараққиёти ривожланди, лекин бир томонлама ривожланди. Асосан ўрта машинасозлик, ҳарбий соҳа ва космосни ўрганишга эътибор берилди. Тадбиркорлик эса мутлақо ривожланмади. Ана шуларнинг барчаси йўғинлиб бизни парокандаликка олиб келди. Биз асосан тўртинчи устуни ҳисобига яшадик. Собиқ СССРдаги республикаларнинг салкам ярмида ер ости, ер усти бойликлари бўлиб, қолганлари шулар ҳисобига яшашди.

Қўпол бўлса ҳам айтай, 74 йил от топганини эшак еб келди. Оқибатни ўзингиз кўриб турибсиз.

— Парокандаликдан чиқиш йўли борми!

— Бор. Мана бир йилдан бери ер ости, ер усти бойликларимиз ташқарига чиқиб кетмаляпти. Бу осонликча қўлга киритилмади. Мен 1989 йилнинг 20 сентябрийда Москвада Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг мардлигига қойил қолгандим. Пахта нархини ошириш бўйича Рижков билан роса тортишганди. Ҳатто ўз ҳақимизни ақратиб олганди, ўшанда. Бу осонликча бўлмаган эди, чунки шу тортишув ва йнгилишларда ўзим қатнашганман, биламан.

— Ҳа, айтгандек, ҳатто сиз СССР Вазирлар Кенгашининг озик-овқат ва харид қилиш давлат комиссияси аъзоси эдингиз-а!



**ПОҚЛАНИШ
МУСТАҚИЛЛИК
КУНИДАН БОШЛАДИ**

(БИРИНЧИ СУҲБАТ)

— Ҳа, Урта Осиё республикаларидан битта мен эдим. Бу комиссияга ўзи бор-йўғи иккита раис кирган эдик. Гап Президентимиз ҳақида эмас, бўлмаса кўпгина гапларни айтиб берадим. Энг муҳими ўзи билан ҳисоблашига Москвадан мажбур қилди. Бу пахта нархини оширишдан бошланган эди. Бу ишларидан ҳам кўнвондим, ҳам у кишига ёрдам беришимиз кераклигини дилимга тугиб қўйдим.

— Энди биз Москвага тобе эмасиз, мустақил давлат...из. Демак ҳеч кимдан ҳеч нарса сўраб қўл чўзмаймиз, лекин бунинг учун...

— Бунинг учун покланиш керак, демоқчисиз. Тўғри. Покланиш бошланди. Лекин уни тезроқ амалга ошириш учун эса механизм керак. Узимча таҳлил қилиб, шундай хулосага келдим. Биринчидан, инсон омили — дин, диний қарашларга, оммавий-ахборот воситаларига эркинлик бериш керак эди, берилди, улар ривожига кенг йўл очилди. Иккинчидан, тадбиркорликни ривожлантириш лозим. Бу иш ҳам кетаяпти. Лекин назаримда покланмаганлар тадбиркорликка қўл уриб, уни нотўғри изга солиб юборатгандади. Тўғри, покланиш ва ҳалол тадбиркорлар етишиб чиқиши керак. Ҳалол бўлмаган тадбиркор албатта синади.

Тадбиркор ҳам ҳалол, ҳам бир сўзли, ҳам изланувчан бўлиши керак. Акс ҳолда иш кетмайди. Бозор иқтисодига ўтиш тадбиркорликдан бошланса, тадбиркорлик ҳалолликдан бошланади.

— Уғриллик, қўполлик, судхўрлик қилмасдан ҳам меҳнат қилиб кўл толиш мумкин экан-да.

— Албатта. Одамлар буну тушуна бошляпти. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунлар тадбиркорликка йўл очиб берди. Ўзбекистон инқироздан қачоқ чиқиб кетади, деган юқоридаси берган саволинигизга шундай жавоб қилган бўлардим ва менимча бу жараён 4—5 йил ичидаси ижобий ҳал бўлади, деб ўйлайман.

Энди иккинчи устуни — илм-фан тараққиёти масалалари. Сизга маълум, бугунги иқтисодий қийинчиликлар кўплаб олимларимизни турли хил кооперативлар

га кетишга мажбур қилиб қўяпти. Бу хавфли. Ундан ташқари илм-фани ишлаб чиқариш билан бошлаш керак. Улар бир-биридан ажраб қолмаслиги лозим. Буни кадрлар ҳал қилади. Аммо эски тузум не-не ишларни қилмади. Қишлоқ хўжалигида етишиб чиққан 23 миңг илгор кадрни «пахта иши» деб бадном қилди. Ўзбек кадрларини йўқотишининг бир йўли эди бу. Энди назария билан амалиётни узвий боғлаб қўйиш керак. Исломи ака айтганларидек, «Халқимизни яна бир фазилати шуки, бизда илм ва маърифатга интилиш, устозларга эҳтиром, меҳнатсеварлик туйғулари беихоҳ юксак».

Энди учинчи устуни — тадбиркорлик ҳақида. Бизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кераклик ҳамма асос бор. Юқоридаси ҳам бу ҳақда гапириндик. Энг муҳими бугун теълик билан ер ости, ер усти бойликларини қайта ишлашни кўпайтириб, сифатли маҳсулот чиқариб, янги технологияларни ўзлаштиришимиз керак. Агар 4-устунни тезроқ ишга солсан инқироздан шунча тез чиқиб кетамиз ва Ўзбекистон энг илгор давлатлар сафидан ўрин олади. Бунга ишонаман. Чунки, «Ўзбекистоннинг ўз дастури бор!» Бу тўғри дастур.

— Ўзингизнинг хўжалигингизда инқироздан қачон чиқиб кетасиз!

— 5 йил ичидаси чиқамиз. Бунга ҳамма шароит бор. Шунга ишонаман ва интилам.

— Мақсадингизга етинг. Энди айтгин-чи, аграр сектор неча йил орқанда қолган деб, сўраса бўладими!

— Неча йил орқанда қолганимизни билмайман. Лекин тарихга бир назар таштайлик. Ижтимоий меҳнат тақсиротида бундан миң йиллар олдин зироатчилик (деҳқончилик)дан чорвачилик ажралиб чиққан. Ҳалигача шундай турибди, афсуски. Кизилг шундаки, пештахталар бўм-бўш бўлганда, ишсизлик деган гап бўлиши мумкин эмас. Қишлоқларда эса ишсизлик бор. Мантқиқа тўғри келмайди.

— Билмадим, гапингиз тўғрига ўхшайди.

— Келинг, бўлмаса шўбхаларга ўрин қолдирмаслик учун шу масалани бир таҳлил қилиб кўрайлик. Агар юқоридаси айтганимиздек, миңг йиллар олдин зироат-

ўтказиб келиниши оқибатида жамият миқёсидаги инқироз пишиб етилди. «Пахта монокультураси», ерларнинг яроқсизланиши, сувларнинг ифлосланиши ва ҳоказолар шу фикрга мисол десак бўладими!

— Умуман олганда Тўлқин ака, сиёсатлаштирилган иқтисод маъму мафкурасига ақидалар хизматкорига айланган. Инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кўринмас ишлар ва говлар билан чекланган. Деҳқонлар, чорвадорлар, соҳибкор-у, боғбонлар замонавийлашган «қафас» жамоа ва давлат хўжаликларига ихтиёрий-мажбурий равишда бириктирилган.

— Айрим жамоа ва давлат хўжаликларини катта муваффақиятларга эришдилар-ку!

— Тўғри, эришдилар, лекин бу муваффақиятлар оммавий йўлга олмади, улар узоқ давом этмади. Ташаббускорлик лўқайдикка, ишчанлик бепарволикка ўз ўрнини бўшата бошлади. Меҳнат унумдорлигидаги ижобий силжишлар таққа тўхтади ёки пастга кетди. Ишчи кучига бўлган талаб нисбий ортиқча-ишчи кучи ҳисобига таъминланди. Техника тараққиёти ривож топмади. Натихида асрлар мобайнида фойдаланиб келинган «ҳазрати кетмон» асосий иш қуроллигича қолаверади. Ҳисоб-китобларда эса деҳқон техникани ишлатганлими йўқми, меҳнатнинг техника билан таъминланганлиги фалон миңг сўм деб қандай этилаверилди.

Фожаянинг яна бир томони шундаки, меҳнатни илмий ташкил этиш ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, демография муаммолари борасида ихтисослаштирилган ташкилотлардаги тақдиқот ва изланишларда ҳам давлат ташкилотларининг фаолиятида ҳам, ижтимоий меҳнат тақсиротидаги тўб номутаносибликларга ҳолис ва ошқора баҳо бериш ўрнига уч-тўрт қаторлик мулоҳаза ёки бир неча бетлик эътирозлар миқёсида қолиб кетилган.

Бугунги кундаги ижтимоий портлашлар хавфини эҳтимодан ҳоли қилолмаган аҳволга ҳар домгидек адабиёт аҳли ҳам берафқ эмас.

— Қани, қани, эшитайлик-чи!

— Езувчимиз Уткир Ҳошимов ўзининг «Авлодларга нима деймиз» мақоласида: «... барибир келажакда пахтанинг маълум қисмини хом ашё етиштирилётган жойнинг ўзидаси тайёр харидорга сотиладиган маҳсулот қилиб ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ўйлаб, пухта режалаштиришга тўғри қаради. Бунда бир регионни иккинчи региондан келадиган хомашёга боғлаб қўйилшдан қўтилиш, йўл харажатларидан ҳоли бўлиш мумкин бўлади», деса, шояримиш Ҳалима Худойбердиева: «Кетмон тутқаздилар, ишлайвердик, бу ишларни аёл учун хос ёки хос эмаслиги ҳақида ҳеч ким ўйлаб ўтирмади. Оқибатда кўпларимиз аёл ишлари игна-ип, тикув-чатувдан бутунлай чиқиб кетди...»

...Сезилар-сезилар йиллар, ўн йиллар оша аёллар эркаклаша бордилар деб эзади.

— Демак ижтимоий меҳнат тақсироти муаммолари замон талаби даражасида ҳал қилинмас экан, ижтимоий-иқтисодий таназзул жараёнига чек қўйиб бўлмайди.

— Ҳа-да, меҳнаткаш халқ давлатнинг нафақа ва товоңларига кўз тикиб ўтириши керак эмас. Бу ишлаб топши учун, ўзини ўзи боқиши учун етарли шароитнинг эгаси бўлиши зарур. Шундагина ишчи кучининг тўлиқ бўлмаган бандлиги ва нисбий ортиқчилиги бар-тароф бўлади.

— Ерга бўлган хусусий мулкчиликни эътироф этиш ва уни ҳал этиш борасида ҳам меҳнат тақсиротидаги боғлиқ муҳим жихатлар борми!

— Бор. Расмий жихатдан деҳқон давлат ёки жамоа хўжалигининг аъзоси. У хўжаликда ўз аъзолигини мардикорчилик ҳам адо этолмайди. Чунки мардикор ўзининг шахсий имкониятини гаровга қўйишдан олдин, энг муҳим ҳуқуқ — савдолаштиш ҳуқуқидан фойдаланадигу Бо орқали у ҳам манфаатга, ҳам масъулият мувозанатига эга бўлади. Хўжаликда-чи, на манфаатни, на масъулиятни ақратиб бўлади. Деҳқон хўжаликда иш бажаради. У меҳнат қилолмайди. Ҳа, у меҳнат қилишдан маҳрум, иш бажаришгагина маҳрум.

— Негат ундай дейсиз!

— Чунки меҳнат сўзининг иқтисодий-луғавий маъносини жуда кенг. Меҳнат — бу инсоннинг бир максадга қаратилган мустақил фаолиятининг натижасидир. Иш ундай эмас-ку! Ишни фақат қўллар бажаради. Ахир русчасига ишчи (рабочий) сўзининг негизидаси раб—қул сўзи бекорга айтилганман. Бизни эса ана шундай ишчи эканлигимиз билан фахрлиниб яшашимизни тарғиб қилиб келишди.

— Кисқаса, асосий масаллага: деҳқон ва ер масаласига қайтсан биз уни ишга эмас, меҳнаткаш даражасига, меҳнат соҳибки даражасига етишувига кўмаклашимиз керак экан-да. Фикрингизни тўғри тушунибманми!

— Тўғри, деҳқон ер эгаси бўлиши керак. Аммо мана шу жойда муаммага чуқурроқ ва кенгроқ, яъни кенгайтирилган меҳнат тақсироти нуқтани назардан қарайлик-чи, нима бўлар экан. Агар меҳнат тақсиротини тўғри йўлга қўйсан, муаммолар тугунини ечиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун вояга етган ва етаётган ёшларга муносиб фаолият турлари ташкил қилсан ер учун уриш-жанжалга эҳтиёж қолмайди. Шунда ер асосан миришкор деҳқонларга тегади.

— Келинчи, асосий масаллага: деҳқон ва ер масаласига қайтсан биз уни ишга эмас, меҳнаткаш даражасига, меҳнат соҳибки даражасига етишувига кўмаклашимиз керак экан-да. Фикрингизни тўғри тушунибманми!

— Тўғри, деҳқон ер эгаси бўлиши керак. Аммо мана шу жойда муаммага чуқурроқ ва кенгроқ, яъни кенгайтирилган меҳнат тақсироти нуқтани назардан қарайлик-чи, нима бўлар экан. Агар меҳнат тақсиротини тўғри йўлга қўйсан, муаммолар тугунини ечиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун вояга етган ва етаётган ёшларга муносиб фаолият турлари ташкил қилсан ер учун уриш-жанжалга эҳтиёж қолмайди. Шунда ер асосан миришкор деҳқонларга тегади.

— Келинчи, асосий масаллага: деҳқон ва ер масаласига қайтсан биз уни ишга эмас, меҳнаткаш даражасига, меҳнат соҳибки даражасига етишувига кўмаклашимиз керак экан-да. Фикрингизни тўғри тушунибманми!

— Тўғри, деҳқон ер эгаси бўлиши керак. Аммо мана шу жойда муаммага чуқурроқ ва кенгроқ, яъни кенгайтирилган меҳнат тақсироти нуқтани назардан қарайлик-чи, нима бўлар экан. Агар меҳнат тақсиротини тўғри йўлга қўйсан, муаммолар тугунини ечиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун вояга етган ва етаётган ёшларга муносиб фаолият турлари ташкил қилсан ер учун уриш-жанжалга эҳтиёж қолмайди. Шунда ер асосан миришкор деҳқонларга тегади.

— Келинчи, асосий масаллага: деҳқон ва ер масаласига қайтсан биз уни ишга эмас, меҳнаткаш даражасига, меҳнат соҳибки даражасига етишувига кўмаклашимиз керак экан-да. Фикрингизни тўғри тушунибманми!

— Тўғри, деҳқон ер эгаси бўлиши керак. Аммо мана шу жойда муаммага чуқурроқ ва кенгроқ, яъни кенгайтирилган меҳнат тақсироти нуқтани назардан қарайлик-чи, нима бўлар экан. Агар меҳнат тақсиротини тўғри йўлга қўйсан, муаммолар тугунини ечиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг учун вояга етган ва етаётган ёшларга муносиб фаолият турлари ташкил қилсан ер учун уриш-жанжалга эҳтиёж қолмайди. Шунда ер асосан миришкор деҳқонларга тегади.

— Келинчи, асосий масаллага: деҳқон ва ер масаласига қайтсан биз уни ишга эмас, меҳнаткаш даражасига, меҳнат соҳибки даражасига етишувига кўмаклашимиз керак экан-да. Фикрингизни тўғри тушунибманми!

чалаб юбориш, кичик техника танқислиги ҳақида ерни хусусийлаштириш деҳқон турмушини яна орқага суриб юборади, бу ўз навбатида оғир қўл меҳнатига қайтиш бўларди.

— Туркум зиддиятлардаги кескинликни пасайтириш йўллари борми!

— Бор. Янги фаолият турларини ташкил этиш керак. Янги фаолият турлари кенгайтирилган тақдор ишлаб чи



АНТИК замонлардан буён ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири эътиқод ва имон, умид ва меҳр-шафқат инсон тақдирини учун катта роль ўйнаган. Кишининг онгида ҳеч вақт вакуум, яъни бўшлиқ бўлмайди. У доимо қандайдир фикр-мулоҳазалар, ўйлар билан тўла. Аммо асрлар давомида инсон эзгу ниятлар, орзу-умидлар ва порлок келажакка ишонч билан қараб, афсона ва ривоятлар яратиб, унга амал қилиб келган. Шу гоёлар мажмуаси асосида қонун-қоидалар, урф-одат, низоми ва маросимлар ишлаб чиқарилган.

Парчаланиб кетган собиқ Иттифокнинг деярлик ҳамма ерида нафақат иқтисодий, маданий ва маънавий қашшоқлик, балки жиддий социал ва миллий тўқнашувлар, асли қутилмаган дахшатли ҳодисалар содир бўлмоқда. Айрим Республикаларда мустақиллик ҳаракати авж олиб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли тўлкинида инсоннинг сабр-тоқати, иродаси, кучи ва ақл-идроқи катта синовлардан ўтмоқда.

Шу билан бирга замонамиз ижтимоий оқимининг бу қудратли тўлкини таъсирида айрим чириндилар ҳам сув юзасига қалқиб чиқа бошлади. Ачинарли томони шунки, сиёсатда ва амалий фаолиятда бизлар баъзи ёвуз кучларнинг моҳиятини тушунамасдан аҳёнда уларнинг таъсирига учиб ёки кўр-кўрона итоатгўйлик ё ўнг ё сўлга чекиниб ҳавфли гоёлар, ҳатто назариялар ва ҳаракатлар пайдо бўлишига замин яратмоқдамиз. Маълумки, ҳар қандай гоё ёки назариянинг ҳаётбахшлиги, қудрати фақат амалда рўёбга чиқади ва исбот топади. Муайян таълимот ёки фикр-мулоҳазалар асосида юзага келган ҳар қандай қарор ва қонунларнинг ҳаққонийлиги ҳам улар ҳаёт синовларидан ўтгандагина билинади. Бунга кейинги бир-бир ярим аср давомида пуч ваъдалар билан «порлок келажак» коммунизм гоёларини онгимизга синдириб, янгича дин даражасига кўтарилган таълимотнинг жаҳон миқёсидаги инквизиция ёркин мисолдир.

Аммо ҳар бир гоё ўз даврининг маҳсули. У кенг омманинг онига сиғиб кетсагина кучга айланади. Ҳозирги кунда аёвсиз қора бўёқлар билан ҳақоратланиб келинаётган марксча-ленинча таълимот асл маъмуни билан эзгу ниятларга қаратилганлиги тўғрисида совет даврида миллионлаб кишиларнинг эътиқоди ва имонига айланган ижтимоий тараққиётга, бунёдкорлик ва ижодий меҳнат фаолиятига катта таъсир кўрсатганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Лекин мазкур таълимот айрим ёвуз шахслар учун нопок режаларни амалга оширишда қўлчиликни кўр-кўрона итоатгўй қилиш, қулликда сақлаш учун гоёвий восита ва никоҳ вазифасини бажарган. Энг дахшатли чекинишлардан

бири: илгари коммунист бўлиб, ўзининг граждандлик бурчини ҳалол бажариб келган юз минглаб пок ниятли юртдошларимизнинг шаънига, порлок келажак учун чуқур ишониб ўзини меҳнат ва уруш майдонларида қурбон бўлган юртдошларимиз руҳига тухмат тошларини отиб уларни таҳқирлаш пастлик ва разолатдир.

Бизда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳаммага, ҳукумат идоралари-ю, диний ташкилотлар ва барча фуқароларга тааллуқли. Бутун эл-юрт бу қонунни чуқур ўрганиб, юраги билан ҳис этиб, тўғри аниқлаб олса ўлкамизда осойишталик ва тинчлик бўлиши шубҳасиз. Бунга республика-

Ҳақиқатдан ҳам барча сарқитлар ожиз, иродасиз, бўш-лапашанг, кўрқок, нодон шахсларга ёпишади.

Ранг-баранг табияти, серунум тупроғи ва туганмас ер ости бойликлари билан асрлар давомида жуда кўп талончи давлатларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган Ўрта Осиё ўзининг оғир кунларида кимни ким эканлигини билиши зарур. Яқин-узқодаги қудратли давлатларнинг совет мустақиллаштирилган кутлиб, мустақилликка эришган мусулмон республикаларга эътибор кучайиши тасодифий ҳодиса эмас. Айниқса, узқодаги АҚШ ва Япония, кўшни Эрон ва Туркия давлатларининг Ўрта Осиёда истиклол йўлига ўтган, оғир

лар ила қораланган ҳолда бўлур». Ўзбек тилининг ниҳоятда бойлигини алоҳида қайд қилиб, унинг узоқ тарихий анъанага эга бўлган турк-енисей ёзувларига бориб тақалиш ва қадимий уйғур тили билан яқинликда соф туркча она тилимизни араб-форс ёзувлари билан аралаштирилиб юб-раётганимиздан ўша даврдаёқ матбуотчи-ларимиз жуда афсусланганлар. Бундай ачинарли ҳолатни сезган ажойиб шоир ва адабиётчимиз Абдулла Авлоний мазкур журналнинг 1914 йили 28 майда чиққан сонидан куйиниб шундай ёзган эди: «Биз туркистонликлар миллий тилини сақламоқ бир тарафда турсин, қундан-қун унутмоқ ва йўқотмоқдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий уланган илмоқ қилиб, бир четига рус тилини ҳам ёпиштирмоқдамиз... Еху! Бизга не бўлди! Боболаримиз йўлидан четга чиқиб кетдик. «Яхши кўшнингдан олгунча, ёмон кўшнингдан қидир», демишлар. Боболаримизга етушган ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ўз уйимизни қидирсак, ахтарсак йўқотганларини ҳам топармиз. «Йўқолса йўқолсин, ўзи бошимга тор эди», деб Европа қалпоғини кийиб қулги бўлмоқ зўр айб ва ориятдир...»

Айрим зиёлилар маърифат йўлидаги жаҳон тажрибасини инобатга олмай алифбе, ёзув, тил масалаларига оид амалий жиҳатдан зарарли фикр-мулоҳазаларини кўтариб чиқмоқдалар. Биз мавжуд ютуқларимиз, саводимиз ва билимимизни қайтадан қуриш йўли-билан эмас, балки қўлга киритган ижодий тажрибага таянган ҳолда бошқа илғор халқларнинг ютуқларидан фойдаланиб янги режалар тузишимиз зарур. Бизга мусулмон мамлакатлардан Саудия Арабистони, Қувейт, Жаҳон, Малайзия ва Туркия намуна бўлиши мумкин. Бу ишда шарқ давлатларидан Япония, Жанубий Корея ўрнак бўла оладилар.

Бизнинг ёш мустақил Республикамиз энди ўзининг бир йиллик таваллудини нишонламоқда. Эндигина дастлабки қадам қўйишга ўрганаётган гўдак боладек иқтисодий, социал ва маданий жиҳатдан биринчи қадамларимиз ҳали унча дадил бўлмаса-да, аммо ўзбек ўзлигини сезиб олмоқда. Олдимизда қанча изланишлар, машаққатли йўللار турибди.

Кейинги пайтларда илм-маърифат тарғиботчиси, газета ва журналларнинг, китоб ва тўпламларнинг нархи ниҳоятда кўтарилиб, уларнинг тиражлари ачинарли даражада пасайиб кетди, назаримда, оммавий ахборот воситаларида илм-фан ва маърифат масалаларига эътибор кам. Бу ишда қуруқ ваъдабозлик, сафсатабозлик ва майдаччилик мулақо ўринсиз. Кўп йиллар учинчи ривожланаётган дунё деб аталмиш Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатларнинг илм-фанга бераётган эътибори диққатга сазовор. Биз ҳам агар мустақил Ўзбекистонимизнинг чинакам порлок келажagini ўйласак, унинг маданий ва маънавий ҳаётига, айниқса давримизнинг қудратли кучига айланган фан ва техника тараққиётига, маърифатнинг барча соҳаларига ниҳоятда катта эътибор беришимиз, уни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлашимиз зарур. Чунки замондошимизнинг ҳаёт-мамоти ва турмуш тарзи ҳам, равнақи ва келажаги ҳам даставвал, илм-фан ва маърифат билан бевосита боғлиқ. Меҳнатқаш халқимизнинг эътиқодини мустаҳкамлаш, унинг умид-орзуларини рўёбга чиқаришга ишонч ҳосил қилиш ховирги куннинг биринчи даражаси энг долзарб муаммосидир.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, фалсафа фанлари
доктори, профессор.

ЭЪТИҚОД, ИЛМ ВА МАЪРИФАТ

мизда сўнги йилларда динга ва диндорларга нечоғлик катта эътибор берилаётганлиги ёркин кўрсатилган. Рўза ва Курбон хайитлари Президентнинг махсус Фармони билан катта халқ байрами тарзида нишонланадиган бўлди, барча вилоят ва районларда масжидлар қурилмоқда, диний ўқувларга руҳсат берилди. Агар 1989 йили Ўзбекистондан Ҳажга фақат 10 киши борган бўлса, 1990 йили 355 киши, ўтган йили эса бу рақам 1200 га етди, бу йил бултурғига қараганда ҳам анча кўп қардошларимиз борди. Оммавий ахборот воситаларидан диний мавзуга оид мақола-лар, эшиттирув ва кўрсатувлар кенг ўрин олмоқда, ҳадислар бир неча нашрда чоп этилди, Куръони қарим ўзбек тилига таржима қилинди.

Социал зиддиятнинг турмуш кийинчиликларини ва турли гоёларни кўр-кўрона итоат, тақдирга тан бериш йўли билан енгиб бўлмайди. Турмушдаги чинакам бахт-саодат эркин шахснинг жамиятда туган ўринини аниқлаш, ўзининг ҳалол меҳнати ва куч-ғайратига таяниб, ижодий изланишлар ва зўр идрок билан турмуш шароитини оқилона ўзгартиришлар орқали ўрнатилди. Бунда қудратли тафаккур чироғи — илмий билимлар, фан ва техника, маърифат ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Илм-ма-хил воқеаларга бой мураккаб давримизни, рўй бераётган барча ҳодисаларни илмий тафаккурнинг бунёдкор ва ижодкор нуруларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Киши қанча билимсиз, эрксиз ва иродасиз бўлса у нафе балосига берилади, хурофий тасаввур ва тушунчалар, ахлоқсизликлар ва беадаблиқлар тўрига илинади. Айниқса, бизнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти ва демократияга ўтиш давримизда бундай шахслар енгил бойлик, арзон лаззат топиш йўлида инсоний фазилатларини йўқотиб, ҳаёт кийинчиликлари олдига ожизлик қиладилар. «Ориқ отга чанг юкар» деган гап бежиз айтилмаган.

бир вазиятда тикланаётган ўлкаларга биринчи қўл чўзиб, эътибор қилаётганлиги бунга далил.

Давримизнинг энг ачинарли томони шундаки, жамиятимиз иқтисодий тушкунликни, маънавий қашшоқликни, руҳий азобни бошидан кечириётган бир пайтда ижтимоий тараққиётнинг бош омил хисобланган фан-техника ва илм-маърифатга интилишнинг эътиборини ошириш керак.

Илм-маърифат даставвал халқнинг маданий савияси, унинг саводчилиги ва билимдонлиги билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам асримиз бошларида инкилобий тўлкинларда пайдо бўлган Туркистон ўлкасининг ажойиб фарзандлари бўлмиш жадидлар ўзларининг ватанпарварлик бурчларини дастлаб вақтли матбуот орқали илм-маърифатни тарғиб қилишга, мактаб-маориф ишларида жиддий ислохотлар ўтказишга киришганлар. Улар биринчи жаҳон уруши арафасида қисқа муддат ичида ўн бешга яқин газета ва журналлар чоп этиб, уларнинг саҳифаларида Туркистонда ва бошқа ўлкаларда рўй бераётган барча ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларни батафсил ёритиб кенг халқ оmmasининг ижтимоий онгини шакллантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Ўлкамизда матбуотнинг ривожланиши ўз навбатида ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларнинг шаклланиши жараёнига, адабий ва илмий тафаккурнинг ўсишига жиддий туртки бўлиб, уларни бирмунча юқори поғонага кўтарди. Айниқса, ўзбек тилида чика бошлаган «Садои Туркистон» тил ва илмо масаласига алоҳида эътибор берган эди. Бу муаммога бағишланган махсус бир мақолада шундай ёзилган: «Тил ва илмони муайян бир изга қўйиш матбуот ва адабиёт учун энг муҳим бўлган бир масаладир. Тили ва илмоси лойиқинча ислох этилмаган миллатнинг матбуоти, адабиёти асрларга аралашиб келган кир-

ТИЖОРАТ



«Астроваз»

АКЦИОНЕРЛИК СУҒУРТА ЖАМИЯТИ

Юртдошларни қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги билан табриқлайди, барчаларингизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва демократик йўлда янги ютуқлар тилайди.

«Астроваз»
Акционерлик суғурта
жамиятининг муассислар
кенгаши.



қуйидагиларни
таклиф қилади:

Бизнинг телефонларимиз:
67-85-87
67-22-08
67-77-06
Факс 67-24-50

IBM PC AT 286/287, (USA), 16, HVUNDAI — 190 минг сўм
ПЭВМ ЕС 1841.10, тор принтерли, рангли монитор — 55 минг сўм
«GOLD STAR, видеоплеери, телевизор 0 51 (Хитой) — шартнома нархида
Ҳоҳлаган оргтехника учун буюртма қабул қилинади.

ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ ДАСТУРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

— иш ҳақининг тўла ҳисоб-китоби (ўзгариб турадиган солиқ шкаласига ва ҳисоб-китобнинг маҳаллий хусусиятларига мослаштириш осон)

— 4,9 минг сўм
— 10 минг сўм

— молиячи ходим иш жойи (ҳисоб варақалари бўйича пулларни тақсимлаш ва корхона балансини тузиш)

кичик корхоналар учун — 5 минг сўм
ўртача ва йирик корхоналар учун — 15 минг сўм.

— моддий бойликларни ҳисобга олиш

Бу дастурлар туркумидан тажрибали ходим ҳам, энди иш бошлаган ходим ҳам фойдалана олади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 700077, Буюк ипак йўли (собиқ Луначарский) кўчаси, 63-уй, 202а хона.

I ЗИЁРАТ.



Керагидан ортикча одам чиккан автобус Катта ўзбек трактидан гоҳ инкиллаб, гоҳ ҳансираб борарди. Нима кўп, дунёда йўловчи кўп.

Аввалига суҳбатимиз, каердан келаяпсиз, каерга кетаяпсиз, кабилидаги жайдари сўзлар билан унчалик ковушмади. Манглайига «Самарқанд-Тошкент» деб ёзилган «Икарус» карвонлар ҳам адашган қадим чўллар бағрини кесиб Жиззахга кираверишда тезлигини пасайтириб секин тўхтагандагина:

— Иним, сиз ҳам Тошкентгами? — сўраб қолди шу пайтгача чурқ этмай келаятган ҳамроҳим ёнбошига ўгирилиб дарз кетган овоз билан. Жавобимни эшитгач юзига нур югурди. Автобусга чиккан чикди, тушган тушди, қолгани қолди. Орқа ўриндикдаги ё очикиб, ё димикиб йиғлаётган чақалоқнинг овози баттар дағаллашарди. Бирини сомса кавшаниб, бири ичимлик шишасининг қоқоғини тишида очиб, нақ аёлнинг теласига келиб унинг оппоқ сийнасига тикилиб турган беҳас

Афғонистон. — Чолнинг тилларидан ёниб чиккан СЎЗ қовжираган ҳасратга ўхшаб туюлди менга.

Афғонистон! Афғонистон деганда хаёлимга ҳазратнинг:

— «Навойи ҳам ётар то рўзи маҳшар таркиҳоб айлаб», — деган сатри келарди. Таркиҳоб айлаб. Навойининг қабри-ку Хиротдаги қадимий намозгоҳ — Муссаллонинг гарбида. Лекин тарих китобидан изсиз йўқолган олис авлод-аждодаларимизнинг қабричи. Қадим Ўзбекистоннинг таянч нуқтаси бўлган Хирот бир вақтлар Самарқанду Бухоро, Урганжу Шошдек ўзбек маданиятининг бешиқларидан биримасмиди. Хуллас, ўнта афғонистонликнинг икитаси тожик, биттаси ўзбек, юзта афғонистонликнинг учтаси туркман, қолгани пуштун. Афғонистондаги уруш қизил рангга бўялган байналмилал туйғумас, балки қадим оғаниларнинг болалари кўлига илдининг ўзининг кирк, кабилида тутқазилган ойболта, жуда кескир чархланган ойболта эди. Афғонистонга зўрма-зўраки тиқиштирилиб бор-йўғи 14 йиллик Савр инкилобининг ҳам умри жуда қиска бўлди. 72 кунгина хаёт кечирган Париж коммунасику, йўрғакдан ечилмаёқ юлдуз кўрмай жон берган эди. Ҳамма инкилобларга караганда ҳам халқчилроқ сарбадорлар давлати-чи, ҳар қалай 47 йилдаёқ ёшини



III. ИСТИҚЛОЛ

Мустақиллик кеча таваллуд топган сўз ёки туйғумас. Мустақиллик менимча, босқинчи Қайхусравнинг кесилган қалласини қон тўла мешга тиққан, Тўмариснинг кўзлари ёки кулоқ, бурни кесилиб, мустамақачиларни адаштирган Широқнинг бўғиздаги сўзларидан олинган гоҳ Муқанна, гоҳ Темур Малиқнинг юрагида ўртаниб 1916 йилдаёқ Жиззах кўзғолончиларининг, қолаверса, Мадаминбекнинг юрагига солинган алангалар.

Ўз аравасини ўзи тортиб, ўз йўлини ўзи топиб келаятган одамга четдан туриб, ундок юрма, бундоқ юр, деб туриш елкасидаги юкидан ҳам оғирроқ ботаркан. Бировнинг оғирини енгил қилган кишинигина мард дейдилар. Дунёда нима осон, арзон насихат осон. Насихатдан тарафқашлик тугиллади. Тарафқашлик тўқнашувга айланиши ҳеч гап эмас. Ҳар қанақа яхши-ёмон оқибат бир гўдақнинг бир томчи кўз ёшига арзинмайди. Ана шунинг учун бўлса керакки, ўзбекларда бир жону бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, деган доно гаплар

ийгитларнинг дастидан она бечора эмизуқли боласини тинчиголмасди. Бола шўрлик йиғлай-йиғлай ухлаб қолди шекилли, чолнинг асаб томирлари бир оз юмшади. Тунд киёфаси ёришгандай бўлди:

— Ҳамма олим бўлса подани ким боқади, деганларидай қаёққа қарасанг гала-гала шунақанги болалар. Ҳай, инсофга келиб қолишар. Йўлни узок қиладиган ҳам суҳбат, — деди у тақир ўриндикдан бир кўзғалиб кўяр экан. — Яқин қиладиган ҳам.

— Қаёқлардан келаяпсиз, отахон?

— Зиёратдан келаяпман.

У зиёрат сўзини шунчалик авайлаб, шунчалик фахрланиб, шунчалик ўқинч, шунчалик ҳадиксираб айтдики, юрак-юракларим эзилиб кетгандай бўлди. Инсон давр фарзанди-да.

У зиёрат сўзини авайлаши табиий. Чунки, ҳар қанақа кадрят авайлашга муҳтож-ку. Оролик кўяверинг, пахта яққа ҳоқимлиги етмагандай бир вақтлари «Самарқанд сайкали рўйи замин аст, Бухоро қуввати исломи дин аст», деганларидай Россия пролетариатини ишга жалб қилиш мақсадида атайлаб булоқ боши, дарёларнинг ёқаси, шохларзон шафтоли, гули нафармон олма, анжир, анор боғларию тилими тилни ёрган қирқма қовун полизларининг киндигига қурилган оғир индустриянинг оқибати ўларок Ер, Сув, Ҳаво, Ўтнинг захарланиб зарарланиши натижасида нураётган обидалари-чи. У зиёрат сўзини ўқинч билан айтганининг бонси ана шунда. Зиёрат сўзини фахрланиб айтиши табиий, чунки сўнгги йилларда халқнинг миллий кадрятлари қаддини ростламоқда.

У «зиёрат» сўзини ҳадиксираб айтгани мустақиллик омонатмасмикан?! Эндигина Мустақилликка эришган халқ етганда йиқилмасмикан? Мустақилликка қозон-товокни бўлак қилишнинг ўзигина етармикан?

Жамиятнинг покланиш жараёни шахснинг покланиши орқали кечаётган даврда унинг юрагига

II. АФҒОНИСТОН



яшаб, ошини ошаб бўлган эди. Аслида давлат тўнтарилиши, лекин янги тузумнинг қандай қизил маддоҳлари томонидан «Буюк октябрь социалистик революцияси» — деб номланган инкилоб 1917 йил 7 ноябрдаёқ дунёни қоқ иккига бўлганча ҳалибу дунёимизнинг жароҳатлари битганча йўқ. Битмайди ҳам. Менимча, инкилоб ё коммунист, деган сўзнинг айби йўқ. Бу сўзлар инсониятнинг асрий орзулари эди. Гап инкилобнинг назариётчиларида ҳам, унинг мутаасиб фидойиларида ҳам эмас, гап халқнинг қонига таяниб томга чиқиб олган

бор. Ўзбекистон мустақиллик йўлидан атай-чечак қилиб, тетапоя бўлиб бораётган экан, ҳа деган туяга мадор деганларидай, ҳар ким баҳоли қудрат мустақилликни қўллаб-қувватлаши ҳар бир фуқарога қарз, ҳар бир ватандошга фарз. Оёқ асрий кишанлардан қутилгани билан аввалига дадил қадамлар билан йўл босиш сал қийинроқ кечади. Ҳар қалай, қозонда бўлса чўмичга чиқади, деганларидай, қозонда бор эканки, Ўзбекистон 1921 йилдаёқ Россияни очарчилик босганда Орол балиқчиларининг 14 вагон балиғини ҳисобламаган тақдирда ҳам «нон», «нон», деб қўл чўзган 7 миллион болага 600 минг пуд галла юборган. Аввал қисса сўнг кинофильмга айланган «Тошкент — нон шаҳри» деган ибора ўша йиллар тугилганди. Мағзига Фафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» деган шеъри сингдирилиб, жаҳон кезган кинофильмчи. Мазкур кино қиссага Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонга кўчирма қилинган бир миллион уч юз минг кишининг қисмати асос бўлмаганмиди. Негаки, ўша кезлар она Ўзбекистоннинг табиати ҳар қалай боқира эди. Жаҳондаги ҳар тилда менимча, йилдан йилга йил баттар, деган мақолнома сўз бўлса ажабмас. Чунки она табиатнинг йилдан йилга емирилиб — мўртлашиши йилдан йилга йилни баттарлаштириб — иқтисодий тангликни тугдирмоқда. Негаки, ҳар қанақа иқтисодий танглик ҳам экологик фожеага боғлиқ-да. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қанақа ГОЭЛРО, НЭП, Госплан, беш йиллик, етти йиллик пландарсиз эрамизда неча асрлар илгаринек, табиат билан топиш, шунда ҳеч вақт камбағаллашмайсан, сени одамларнинг фикр-мулоҳазалари эмас, табиат бадавлат қилади, деган экан қадим юнон файласуфларидан бири.

Табиатга қайтмоқлик — Худога қайтмоқликдир.

иштиёқ тушиди. Покланиш иштиёқи. Покланиш-ни зиёрат деб билди у. Табиийки на Маккаи Муқаррама, на Мадинаи Мунаввара зиёратига қурб етмасди, албатта.

Зиёрат! Унга «Дунё» — коммунистлар мазори», «Топинсанг Ленинга топин, савоб олсанг Лениндан ол», «Иқтидорим мураббийси — ВКП(б) даҳоси» деб ўргатишган. Ўрганди. Ўргандигина эмас, урчитилган касалдай кўпчиликка ўргатди.

Унинг байтул муқаддаси — макбара, Ленин макбараси эди. Саждагоҳи — мажусийлар саждагоҳи — олов, мангу олов бўлди. Гоҳо соқин тонларда коммунистлар мазорига бориб ўзига жой чамалаб қайтар, Туркестонлик 14 комиссарларнинг пойига гул кўярди. Йигитлик чоғидаёқ қуст дўппимас, қизил кўшинлар аро қизил аскар шилёмини хавасланиб қийганча «Будённийдек серсавлат, Фрунзедек эр» — «Ромба таққан кўмондонлар» унга пири муршид бўлди. Дарвоқе, пир! У Ғўри амирдан хайратланиб чикканди. Те-мурдек соҳиб-кироннинг жасади пири Саид Бараканинг пойига қўйилган экан?! Хўш, Лениннинг ҳам пири бормиди? Нега унга алоҳида макбара қурилиб, шу макбара жаҳоннинг маркази деб аталди. Сталиннинг пири-чи? Қолган давлат раҳбарлариники-чи? Хатто қабрларнинг ҳам табақаланиши ўшандаёқ бошланмаганмиди. Қабрлар алоҳида, касалхоналар алоҳида, дорихоналар алоҳида, курортлар алоҳида, вагонлар, купе-лар алоҳида, дўконлар алоҳида, таомлар алоҳида, модалар-алоҳида. Кўринишдан умумники бўлган айрим олий ўқув юртлари ҳам алоҳида... Улар ҳазрат Умар Хайёмнинг қуйидаги сатрларини бил-лишмасмиди:

— «Бор эди қуллол дўқони, кирдим бир гал,

Дасгоҳ бошида кўзагар ишларди жадал.

Кўрдимки, гадо илқию шох қалласидан

Ул кўзага бежирим бўйин, даста ясар».

Асли чол ҳам мана шу нураган жамиятнинг ком-мунист дастаси эди.

дан сўнг унга нарвон кўйиб берганларни нарвон-парвони билан тепиб, депсиз юборган инкилоб-нинг лўттибозларида. Афғон миллий қаҳрамонла-рини Ўрта Осиёликларга ўхшатиб, босмачи, де-йишмасди. Ҳар қалай оригиналроқ бўлгани ях-ши-да, душман, деб аташарди. Аташга аташдию, атамани ўзимизнинг қалбаки, халқ душмани, деган тамағага ўхшаб кетишини ўйлашмади, ше-килли. Али-хўжа нимаю, Хўжа-али нима.

Ҳар қалай граждандар уруши бошқа, Улуғ Ва-тан уруши бошқа! Граждандар уруши йилларида ҳар юзта қизил аскарнинг бештаси коммунист — ВКП(б) аъзоси бўлган. Улар-ку, ё мутаасиб, ё адашган-улоққан коммунистлардир. Улуғ Ватан уруши бошланганда ҳар юзта жангчининг 13 таси охираётганда эса 25 таси коммунист эди. Рейх-стагга байроқ санчган ё шу муқаддас байроқни 1418 кун қўлма-қўл узатганларнинг инсоният олдида қанақанги гуноҳлари бориди. Чолнинг киприкларидан бир томчи кўз ёшлари сизиб чи-қандай бўлди. Унинг аччиқ қисмати кўз ёшига қорилиб, йиллар хира тортирган кўзларига син-гиб кетганди. Чунки Оллоҳмас, Ленинга сизиниш-лар, дарёнинг у бетидан дарёнинг бу бетига, осмондаги ойдай ёлғиз ўғлининг лопиллаб келаят-ган тобути, совуқ темир тобути бўлиб қайтмаган-миди.

«Худо — мениман!» деган экан ёнаётган бир дарахт Мусо пайғамбарга. Табиатга қайтишнинг ўзаги ҳам, ўзани ҳам меҳнатда, «Арзон шўрва татимас» деганларидай машаққатли меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг қамлиги кишиларни азалий меҳ-натдан совутгани сир эмас. Ҳар қалай Баҳовуд-дин Нақшбандий дил ба ёр, даст ба қор — дилин-да Худо, қўлингда иш бўлсин, деганларидай му-стақиллик менимча, шу иккита энг инсоний фазил-латларнинг уйғунлашиб кетишидир. Мана шундоқ англайман мен мустақилликни.

Мустақиллик бор экан, демак яхши кунлар ке-лади, бунга ишончим қомил, болам!..

Автобус охири бекатга келиб тўхтади. Ҳамма ўрнидан туриб тушишга ошиқди. Тошкентга етиб келгандик. Суҳбатдошим иккимиз автосубдан ҳаммадан кейин тушидик. Трамвай бекатигача жим келдик.

Ота бамисоли гапиршидан тўхтамагандек, «Ишонинг ҳа, ҳа, яхши кунлар келади, бахтли кун-ларни сизлар кўрасиз. Мустақилликнинг меваси сизларга албатта насиб қилади. Омон бўлинг, болам! Хайр!»

Трамвайга чиқиб олган қария менга қўл силки-тиб кўйди. Нечта трамвай ўтди билмадим. Чол-нинг менга қўл силкитиб тургани кўз ўнгимдан кетмас, яхши кунлар келади деган сўзлари эса қулоғим остида жаранглаб турарди.

Тўлқин МУҲИДДИН.

Конкурс-танлов ҳомийси:
Ўзбекистон Республикаси Маҳаллий саноат, уй-joy коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кў-митаси.

«МАҚОМ мактабимизнинг кўркем камоли» — Юнус ота оиласида таваллуд толган, овози сеҳри ила юракларни йиғлатишга, инсон вужудини тилсимлаб қўйишга қодир бу санъаткор жозибали, ипақдек майин, камалакдек товланувчи овози билан ҳар гал дилларга кириб боради. Ҳикоямиз қаҳрамони — Ҳасан Ражабий мақом, мумтоз мусиқа санъатимизнинг тараққиётига баракали ҳисса қўшиб келаётганлардан.

— Тақсир, умр ўтувчан, бола ўсувчан деганлар. Мақом санъатимиз жабҳасида жавлон ураётганингизга ҳам ўттиз йил тўлибди. Мулоқотимиз аввалида умрингиз сабоқлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шашмақом, мумтоз мусиқа ва куйлар ичиде эсимни таниганман. Дадам раҳматли баъзан ҳазиллашиб: «Сенинг танглайингни мақом билан кўтарганман», — дердилар. Дастлаб мақомга нима учун кўнги берганимни ўзим ҳам билмай юрдим. Кейин шундай хулосага келдимки, мақом бу — ўқенус, яъни океан янглиғ бепоён ва тубсиз, айни чоғда, қуёш янглиғ юксак мерос экан. Унинг чўққиларини санъатнинг бошқа бирон-бир тури забт эта олмайди. Инсоф билан айтилган, қайси санъат сўз, овоз, куй, хатти-ҳаракат билан бир вақтнинг ўзиде инсон сезгиларига мақомчалик самарали таъсир эта олади? Шундай санъат доим бор бўлсин! Назаримда шунинг учун ҳам мақом Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Худойберган Мухркан, Матқўб Позачи, Абдулло Гулобий, Матқўб Харратов, Матпано Худойберганов, Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Еқубов (Шерозий), Комилжон Отаниёзов каби буюк зотларнинг диққат-этиборида турган. Эндиликда у Матниёз Юсупов, Турғун Алимат Танбурий каби устоз санъаткорлар томонидан эъзозламоқда. Бас, шундай экан, умрим сабоқлари, унинг бош мезони мақом билан ўлчанади, десам янглишмайман.

Афсуски, орамизда шундай кимсалар ҳам борки, улар мақомнинг юксаклигини тушунишдан ожиз, уни шунчаки дабдабали, зерикарли, шунчаки йўлига эснаб хонши қилмоқ, ҳатто мотам куйи деб тушунадилар. Бундайлар мақомни бўғмоқдалар. Уни икки пулга қиммат қилиб қўймоқдалар.

— Ҳасанбой, келинг, масалага аниқлик киритайлик. Мақомнинг тараққиётига нималар гов бўлмоқда, ўзи?

— Мақомнинг улғуворлигини тушунмай туриб, уни камситиб қарашлардан воз кечмас эканмиз, санъатнинг бу тури ривожланмасдан қолаверади. Гарчанд мусиқа ўқув юртларида сўнги йилларга келиб мақом, мумтоз мусиқани ўрганиш бора-бора бирмунча жонланиш юз берган бўлса-да, мазкур илм даргоҳлари ҳамон, асосан, Оврупа мусиқаси мутахассислари ва дирижёрлар етказиб бериш билан банд. Вокал-педагоглар танловлар арафасида худди йўриқчилар Олимпиада олдидан спортчиларни майдонга олиб чиққандек, ўз шоғирларини саҳнага етаклаб чиқмоқдалар. Қизиги шундаки, шу мударрислар ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида «совриндорлик ҳолвасини шоғирларига улашиб, ўз ютуқларидан мағрурланиб ҳам қўядилар.

Мақомга гов бўлган омиллар ҳақида гап кетганда яна бир муаммони тилга олишни истардим. Радио ва «ойна жаҳон»да ашулаларнинг имкони борича энг қисқасини танлашади. Хонанданинг, ашуланинг табиатидан келиб чиқмасдан, «шўхидан, ўйноқсидан бўлсин» деган талабни қўйишади. Бунинг натижасида 7—9 дақиқали не-не дилрабо ашулалар фонотекалар тоқчасида чанг босиб ётибди.

— Табиатингиз хуфтон кўринади!

— Эй, нимасини сўрайсиз... Кеча катта амалдорлардан бири ўзи айтиб ҳам эмас, бировдан айттириб: «Бугун Ҳасанбой келиб, менинг тўйимни ўтказиб берсин», — депти. Табиийки, унинг тўйига бормадим — оддий фуқаронинг 60 йиллик мавлудига бир жуфт ашула айтман деб, сўз бергандим. Уша амалдор мени ҳам чақиртириб: «Ҳа, ука, унвон олиб, кўзингни ёғ босибди-да», — деди. Нима, унинг тўйига борай деб, халқ ичиде «мунофиқ», «иккиюзламачи» номини олайми? Хонанданинг иши асаб билан боғлиқ эмасми, таъбим хира бўлганидан, овозим юришмай турибди. Шунга диққатман.

— Жамиятимизда рўй бераётган жараёнларни қандай баҳолаган бўлур эдингиз?

— Мен сиёсатчи эмасман. Фақат маълум ҳаётий тажрибага эга киши сифатида шуни айтишим мумкинки, биз ўтмишнинг адолатга асосланган маънавий мезонларини оёқоси қилиб, иқтисодий омиллар: НЭП, жамолаштириш, кимёлаштириш, озик-овқат дастури, куролланиш пойғаси ва ҳоказоларга асосланган социалистик жамият қурдик. Таажубланарли жойи шундаки, бу тажрибаларнинг ҳаммаси маданиятни өмириш ҳисобига амалга оширилди ёки оширилмоқчи бўлди. Бундай ахволда ҳар қандай, ҳатто энг оқилона қарорлар ҳам бажарилмаслиги табиий.

— Хўш, у ҳолда маданиятнинг ўзи нима!

— Навоийни ўқиш, Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонунини ёки Эйнштейннинг Нисбийлик назариясини содда ва тушунарли тилда изоҳлаб бериш, метро поездида бошни мағрур тутганча, «Нафосат»нинг янги сонини ўқиш мумкин. Бироқ маданият бу ҳали ўқимишлилик деган маънони билдирмайди. Бу сўз лотинча култур, яъни ҳурмат қилиш деган маънони англатади. Ким-кимни ҳурмат қилиши керак? Албатта, инсон-инсонни эъзозлаши даркор-да. Бу ҳурмат меҳнат, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларда маълум бир қонунга бўйсунуши зарур. Чорак кам бир асрлик сўнги тарихимизда иқтисодий дастаклар етакчи омил касб этгани учун инсонни ҳурматлаш туйғуси, инсоний муносабатлар поймол этилди. Ўтмиш иқтисодиёти турли-туман кўринишлардаги ёлгончилик, ўғрилик, муттаҳамлик, иккиюзламачиликни вужудга келтирди.

Ёки мана бу гапга қулоқ солинг. Ўзбекистон мусиқа санъати учун қарийиб саксон йиллик умрини бағишлаган буюк санъаткор Отавали Нуриддинов яқинда оламдан ўтди. Аммо, ана шундай бир улғу инсон ҳақида на бир фильм, на бир китоб яратилди, ҳатто республика мат-



Суратда: Ҳасан Ражабий онаси Кумри ая Мутал кизи ва синглиси Зухра билан.

рим ҳофизлик номини ейиш нечоғли қийин, демоқчи эканлар. Мана, табаррук даргоҳ — «Мақом»га ишга келганимга ҳам ўн етти йил тўлибди. Бировдан озор чексам, отамнинг ўша насиҳатлари тез-тез хотирамдан ўтиб туради.

— Агар мумкин бўлса, оила аъзоларингиз ҳақида маълумот берсангиз.

тортиқ қилиш хонаси келганди. Афсуски сўнги чорак аср давомида бу ишни амалга оширишга улғурилмади. Навоий мавлудининг 555 йиллиги ва Юнус Ражабий туғилганининг 100 йиллиги тантаналарига ҳам бу иш уддаланар, деб умид қиламан. Эслатиб ўтаман — Шашмақомнинг монодик муқобилини лаппакларга ёздириб учун тўрт ярим йил вақт сарфланганди, холос. Отамиз тайёрлаб нашр эттирган кўп жилдли «Ўзбек халқ мусиқаси» ва «Шашмақом» ни (Юнус Ражабий «Мусиқа меросимизга бир назар» рисоласига киритган тузатишлар билан) қайта нашр эттириш керак. Бу — Ўзбекистон ўзлигини таниётган ҳозирги даврда жуда муҳимдир.

— Армонингиз!

— Санъатшунослик олийгоҳида ишлаётганимда бирон-бир мард ўртага чиқиб: «Ука, сен бошдан-оёқ отангнинг ижоди билан шугуллан», деб айтмаганига армон қиламан.

— Ярим асрлик тўйингизда шинавандаларингизни нима кутади!

— Улар учун бир туркум янги ашулалардан иборат дастур ҳозирлаб қўйдим. Мавриди келиши билан мазкур хонишларни мухлисларим ҳуқмига ҳавола қилмоқчиман.

— Сизнингча, бугунги кунда ўзбек хонандалик санъатининг ҳал бўлмаган қандай муаммолари бор!

— Ижрочилигимизда миллий руҳ етишмайди. Қани эди, олий ва ўрта мусиқа ўқув юртлари ҳам ўз ишларини қайта кўриб чиқиб, катта ашула, мақом ижрочилиги йўллари, халқ мумтоз ашулалари ҳам ўқув дастурларидан жой олса. Тошкент Мусиқа олий билимгоҳини истисно этганимизда, республикамизнинг бирон-бир олий билимгоҳида бу соҳа ўрганилмайди, ҳолбуки мазкур илм даргоҳларида қисқартирилиши лозим бўлган, бизга мутлақо алоқаси йўқ фанлар жуда кўпчилиги, анъанавий ижрочиликка доир дарслик анқога шафе эканлигини аввал ҳам айтган эдим.

Саккизта рақсни ўрганиб олган раққоса сингилларимиз ҳақида кам деганда иккитадан телефильм яратилган. Мен, албатта, раққосаларнинг ижоди бундай ҳурматга сазовор, деб ҳисоблайман. Аммо ҳамма ўз кўмоғига кўр тортмасдан, адолат билан иш тутиш керакми-йўқми?

— Сўхбатимиз пировардида, «Ишонч» муштарийлари номидан Сизни эллик ёшингиз билан самимий табриклашга, Сизга сўхат-саломатлик, янги ижодий парвозлар тилашга руҳсат бергайсиз.

— Куллуқ.

Сўхбатимиз ниҳоясига етди. Ҳасан Ражабий отамерос, табаррук танбурни бағрига босди. Уша таниш нола — қалби танбурга айланган афсонавий ошиқ йигитнинг фиғони эшитилди. Давра аҳли бир чайқалиб олди. Кейин аста-секин бошлар ҳам бўлди. Гавдалар мақом оҳангига тебрана бошлади. Анъ, севгилиси гунчаликда сўнган қизнинг оҳ-ноласи... ана, ногаҳон топилган ошиқ-маъшуклар қувончи... ана, она муҳаббати... Ҳофиз буларни хониш тили билан сўзларди. Шинавандалар эса ҳамон ашула сеҳридан шамдай эрриди.

Сўхбатдош:
Шерали СОКИН.

Ҳасан РАЖАБИЙ:

«МАҚОМГА ИМКОН БЕРИНГ!»

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг
академик Юнус Ражабий номидаги «Мақом»
дастаси хонандаси, Ўзбекистон халқ ҳофиси
Ҳасан Ражабий билан мулоқот

буотида таъзиянома эълон қилинмади. Бугун маълум бўлдики, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Эргаш Йўлдошев ҳақида ҳам фильм яратиш имкони тоабод бой берилган экан. Булар бизнинг маданиятдан юз фарсах уздоқга одамлар эканлигимизни билдирмайдими?

— Кечирасиз-у, гоҳо мақом эскирди, уни замонавийлаштиришнинг эса сира-сира имкони йўқ, деган фикрлар қулоққа чалиниб қолмоқда. Бундай даъволарга қандай қарайсиз!

— Мақомот муттасил яшариб, ўсиб келди. Ҳозир ҳам у ўсишда, ривожланишда давом этмоқда. Масалан, қиқ саккиз мақомдан олти мақомгача бўлган йўлни босиб ўтган эканмиз, бу ҳам унинг тадрижий ривожланишини кўрсатмайдими? Чунончи: отамиз Шашмақомни тадқиқ қилар эканлар, мақомларга янги намуналар, янги тароналар, бутун бошли шўбалар киритганлар. Мақомнинг имкониятлари чексизлиги ҳақида яхшиси бир мисол келтирай: ундаги 16 усулнинг ҳар биридан ўрин алмаштириш натижасида 16 та янги, тарҳи тоза куй яратиш мумкин. Мана сизга 256 куй таппа-тайёр! Бу бастакорлар учун жуда кўл келишини айтмайсизми? Бундан ташқари, мақом кенг кўламли тадқиқотлар манбаи ҳамдир. Мақомни камситувчиларга: юракни кенг қилиб, яхшиси, унга имкон беринг, уни жилловдан бўшатинг, деган бўлур эдим.

— Қиблагонингиз Юнус отанинг қайси ўғилларини тез-тез эслаб турасиз!


— Отам камдан-кам ҳолларда атайлаб панд-насиҳат қилардилар. Лекин мана энди орадан талай йиллар ўтиб, азиз падаримнинг кўп ҳикматлари мағзини чақмоқдаман. Тошкент дорилфунунининг тил-адабиёт куллийетини тамомлаб, Ҳамза номидаги Санъатшунослик олийгоҳида тадқиқотчи бўлиб ишлардим. Биноийдек овозим билан дўстларим даврасини қизитиб юрган бўлсам-да, бу ҳақда отамга «тиш ёриш»дан ҳайқардим. Аммо устозим Турғун Алимат Танбурийнинг ёнида туриб созандалик қила бошлаганимга етти-саккиз қовун пишиги чамаси вақт ўтганди. Бир куни юрак ютиб:

— «Мақом» дастасига кириб ишласам дегандим...

Отам:

— У ерда ишлаб нима қиласан, болам, — дедилар андуҳ билан.

Энди ўйлаб қарасам, падари бузрукво-



31 ДУШАНБА

МАРҲАБО,
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

УзТВ I

7.00 «Ер ости бойликлари», «Фермерлар», «Наманган сеҳр-гарлари». «Узбектеlevision» премьералари. 8.05 Санъат усталарининг концерти. 8.45 «Кичкина деманг бизни...» Спорт кўрсатуви. 9.20 «Сўнги таътил». Бадий фильм. 10.45 «Халқим». Адабий-музика композиция. 11.10 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Соғинч». 11.50 «Футбол майдонларида». 12.30 Болалар учун. «Уйнаймизу, қувнаймиз». 13.05 «Учрашув». Адабий кўрсатуви. 17.50 Янгилар. 18.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тошкентнинг Муस्ताқиллик майдонидан олиб кўрсатилади. 22.00 «Муस्ताқиллик йўлида». «Узбектеlevision» премьераси. 22.10 «Узбекистон» ахборотининг махсус сони.

УзТВ II

18.00 УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ. Тошкентнинг Муस्ताқиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Яқунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилар. 8.20 «Золушка ҳузурда бэмда». 9.20 «Учувчи Пирксинг тергов». Бадий фильм. 11.00 Янгилар. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.20 «Уолт Дисней таништиради...» 16.10 «Тинчлик марши» Европа йўлларида. Телефильм премьераси. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Футбол шарҳи. 17.55 «НЭП». 18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ошиқ Фарид». Бадий фильм («Грузияфильм»). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.20 «Спорт уик-энди». 20.35 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 6-фильм. 21.40 «Янги студия» таништиради: «Енги». Хужжатли-публицистик фильм. 22.45 «Ҳақат катта ёшдагилар учун». «Журналист тергов». Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.30 Душанба кун детектив. «Оқ кийимли аёл». Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 «Эртанги кун бугундан бошланади». 20.40 «Хонанда». 21.00 Хабарлар. 21.20 «Эх, тушмагур кўшилари». 21.45 «Хонанда». 22.15 «Турникет» мусобақаси. 22.35 «Ешлар билан ёшлар учун».

1 СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

УзТВ I

УзТВ II

СОАТ 9.00 ДАН 24.00 ГАЧА
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ТЕЛЕМАРАФОН.

ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.05 «Рус балети юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқий фильм. 6-фильм. 10.10 «Марина Цветаева хотираси». Таганкадаги театрда хайри кечаси. 11.00 Янгилар. 11.20 «Лўли». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси». 14.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 15.10 «Ен дафтар». 15.20 «Уолт Дисней таништиради...» 16.10 «Салом мактаби». 16.40 Мультфильм. 17.00 Янгилар (сурдо

таржимаси билан). 17.20 «Сибсат» студияси намойиш этади. 17.50 «Янги номлар». 18.15 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.20 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси. 20.25 Билимлар кунига бағишланган маърифий дам олиш кўрсатуви. 22.15 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 23.00 Янгилар.

ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 «Ҳақиқат онлари». 8.45 Ишдан бўш пайтингда. «Мушуқлар бизнинг дўстимиз». 9.00 «Русский» сўзи сифат туркумига кирадий. 9.50 Кундузги сеанс. «Биринчи бор турмушга чиқиши». Бадий фильм. 11.25 Танросэфир. «Тверь ракурси». 12.00 Параллеллар. «Куйиб битган дар ёдуси». 12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.35 «Санъат майдони». 13.00 Телебиржа. 13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 16.00 Мультфильм. «Сеҳрли олма». 16.10 Янгилар. 16.25 «Рост» студияси. «Тон-лабиринт». 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Серташви оил». 18.30 «Бир томчи сув учун». 19.00 Хабарлар. 19.20 «Қўшқилар китоби». 20.05 «Фосфор халқаси».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар. 21.20 «Музейга ташриф». Бадий фильм.

2 ЧОРШАНБА

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Бахтиёр». Фильм-концерт. «Узбектеlevision» премьераси. 8.00 «Ҳаёлпарастлар». Бадий фильм. 9.05 Миллий кураш бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро мусобақа. 18.00 Янгилар. 18.10 «Хуш келибсиз», «Олтин жўжа». Мультфильмлар. 18.30 Биринчи кўнгирак. Муस्ताқиллик дарси. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Савоб». Ногиронларни иш билан таъминлаш масалалари. 19.55 Узбекистон Давлат телерадиосининг дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Долзарб мавзу». 21.30 Телевизион новеллалар театри. С. Зуннуова. «Қайноналар». 22.10 «Фаввора». Бадий фильм.

УзТВ II

10.30 Болалар учун фильм. «Ут юракли бола». 11.00 «Жиноят қидирув инспектори». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Тошкент кўртазма заллари бўйлаб». 19.30 «Шаҳар ҳокимияти ҳаётидан». 20.00 «Пулъ». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 6.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Болалар мусиқий клуби». 10.30 «Лимпопо». 11.00 Янгилар. 11.20 «Лўли». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.20 «Уолт Дисней таништиради...» 16.10 «Олтидан олти» (Болалар телевидениеси уюшмаси Ростов Дон). 16.50 «Ойдаралик дарвеш». Хужжатли фильм. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатуви. 17.40 «ТВ-нева». «Россия фермери» I бутун жаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 1-кўрсатуви. 18.00 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.50 «Александр Солженицин». Телефильм премьераси. 1-қисм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.20 «КТВ I» ҳамда Франс интернациональ канал таништиради: «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия (Франция) «АҚШ — Германия». 22.10 «Сибсат» студияси «Харбий ревью» янги рунни-

ни таништиради. 22.40 «Метро». Телефильм. 23.00 Янгилар. 23.40 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 00.20 «Париж — Москва — Пекин» автораллиси.

ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Дилетантларнинг мулоқотлари. 8.25 «Могикилар». Режиссёр И. Сорокина. 9.05 Кундузги сеанс. «Музейга ташриф». Бадий фильм. 11.25 «Сигнал». 11.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.00 «Олтин Остап». 12.30 «Ошиғингман, шодлигим маним». 13.15 «Кўпиклар симфонияси». 13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 15.55 «Бизнес: янги номлар». 16.10 Христианлар учун кўрсатуви. 16.40 Янгилар. 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 «Болалар хоровади». 18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара». 19.00 Хабарлар. 19.20 «Айвон». 20.10 «Қайноналар». 21.00 Хабарлар. 21.20 Мусобақалар. 22.10 «Умид таксиси». 22.40 Талабларингизга биноан...

3 ПАЙШАНБА

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Машрабни куйлаб». Фильм-концерт. 8.05 «Ез учун аъло баҳо». Бадий фильм. 9.20 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.00 «Са-то». Телефильм. 18.00 Янгилар. 18.10 Асадари бўлган экан. Мультфильм. 18.25 «Ешлик» оқшоми. 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Пахтакорларнинг долзарб вазибалари. 19.50 Д. Зокиров номидаги халқ чолгу оркестрининг концерти. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат таъбирлари. 21.30 «Узанини топар дарёлар». Самарқанд вилоятига бағишланади. 22.20 «Вонг хонимнинг сирри». Бадий фильм.

УзТВ II

10.30 «Она табиат». Кинопрограмма. 11.30 «Одам бўлмайдий». Бадий фильм.

ТОШКЕНТ

СТУДИЯСИ КўРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Тошкент кўртазма заллари бўйлаб». 19.30 «Шаҳар ҳокимияти ҳаётидан». 20.00 «Пулъ». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.50 «Рок-сабон». 10.30 «Емонлик аломати». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 11.00 Янгилар. 11.20 «Лўли». Телевизион бадий фильм. 3-серия. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Крем-брюле». Мультфильм. 15.45 «Уолт Дисней таништиради...» 16.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.45 Л. Власенко чалади (фортепиано). 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 «ТВ-нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги 2-кўрсатуви. 17.40 Телефильм. 18.00 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 «Александр Солженицин». Телефильм премьераси. 2-қисм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.25 «КТВ-I» ҳамда Франс интернациональ канал таништиради: «Хемингуэй». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 22.15 «Қора кўти». 22.45 Н. Поганини. «Венеция карнавали». И. Бочкова ижро этади (скрипка). 23.00 Янгилар. 23.40 «Евгений Мартинов хотираси».

ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 7.50 «XX аср кадрда ва кадр ортида». 8.50 «Узинг ва олам билан тугуликда». 9.20 Вариацияли мавзу. А. Дольский концерти. 10.40

Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 69-серия. 11.30 Ифода-лаш санъати. Леонид Челноков. «Пионгил билан автопортрет». 12.00 Ишдан бўш пайтингда. «Диққат, сувратга олаяпман». 12.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 12.35 «Пилигрим». 13.20 Мультфильм-пульти. «Кекса акс-садо ҳақида эртақ», «Қанотлар, оёқлар ва думлар». 13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 16.00 «Терминал». 16.30 Янгилар. 16.45 «Келинг, бир тушуниб олайки» (хусусийлаштириш чеки нима?). 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 «Ешлар». 18.15 «Ислоҳ маданияти ёдгорликларидан». 19.00 Хабарлар. 19.20 Мусиқий кўрсатуви. 20.10 «Катта опа». Видеофильм. 20.55 Манзарали фильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 Спорт кўрсатуви.

4 ЖУМА

УзТВ I

7.00 «Узбекистон» ахбороти. 7.25 «Алишер Навоий». Телефильм. 8.15 «Ҳақиқат рўёбга чиқсин». Бадий фильм. 9.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 10.25 «Томоша». Фильм-концерт. 10.55 Тижорат канали. «Зафар йўли». Денов пахта заводининг 60 йиллигига. 18.00 Янгилар. 18.10 «Нонвой ва ялқов». «Чархпалак». Мультфильмлар. 18.25 «Чорраҳа». 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Тадбиркорга омад ҳамкор». 19.35 «Сахро ҳукмдори». «Узбектеlevision» премьераси. 19.45 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 «Узбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Долзарб мавзу». 21.30 «Тарадду». IX Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. 22.20 «Хотира». Узбекистон халқ артисти Тошхўжа Хўжаев таваллудининг 70 йиллигига.

УзТВ II

10.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 11.30 «Олтин тиш». Бадий фильм. 17.00 АШГАБАТ КўРСАТАДИ

ОРБИТА IV

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгилар. 8.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 9.55 «Олтидан олти» (Болалар телевидениеси уюшмаси Ростов-Дон). 10.35 «Пичан ўрмиши пайти». Хужжатли фильм. 11.00 Янгилар. 11.20 «Лўли». Телевизион бадий фильм. 4-серия. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ен дафтар». 15.10 «Инжиқ Мурод». Мультфильм. 15.20 «Уолт Дисней таништиради». 16.10 «Марказ». 16.50 «Ҳазина». Мультфильм. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 П. И. Чайковский. «Славянча марш». Россия миллий симфоник оркестри ижро этади. 17.35 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 3-кўрсатуви. 17.55 «Инсон ва қону». 18.25 «Қора кўркэм от сарғушларни». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 8-серия. 18.50 «Мўжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.20 «Рукн» премьераси «Д» клуби». «Ребус». Бадий фильм (Италия, Испания). 21.50 Разан шаҳар «Радуница» ансамблининг концерти.

«ВИД» ТАНИШТИРАДИ
22.05 «Музобоз». 22.45 «Хордиқ чиқаринг». 23.00 Янгилар.

ВИД ТАНИШТИРАДИ
23.40 «Сентименталь десант». Финляндияда бўлиб ўтган мусиқий фестивал ҳақида.

ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 Эълонлар. 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Нота бене» студияси. 8.35 «Тушингизга ҳам кирмаган». Бадий фильм. 10.05 «Арсонсонни». Классик куйлар ансамбли. 10.35 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 70-серия. 11.25 А. Битов ва М. Жванецкий — М. Зошеченко ҳақида. 12.25 Ишдан бўш пайтингда. «Телестройсервис». 12.40 «Дех-

қонларга тааллуқли масала». 13.00 Телебиржа. 13.30 Теннис бўйича АҚШнинг очик чемпионати. 15.55 Янгилар. 16.10 Трансросэфир. «Дўстлик фестивали». 16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси. 17.30 Хабарлар. 17.45 Халқ рақслари. 18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз». 18.30 «Олтойликлар». Хужжатли фильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Концерт. 21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви. 23.20 «Мана шундай малика».

5 ШАҲБА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм. 9.25 Х. Х. Нидей. «Холскон». М. Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари ижро этади. 10.10 «Бунёдкор». 10.40 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Оталар изидан». 11.30 Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?». Телеспектакль.

Тижорат канали:
13.00 «Арнасон тонги». 13.40 «Олти хазинанинг бири». 18.00 «Маслэнкалик бузоқча». Мультфильм. 18.15 Усмилар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Шатранж». «Узбектеlevision» премьераси. 19.30 «Куйлаганда бизнинг Муҳаббат». Узбекистон халқ артисти М. Шамаева. Видеофильм премьераси. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Футбол. Узбекистон биринчилиги. Олий лига. «Пахтакор» — «Наврўз» (Анджон). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 22.30 «Дунё». Бадий фильм (Хиндистон). 1—2-сериялар.

УзТВ II

10.45 АШГАБАТ КўРСАТАДИ
5.40 Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 Ишбилармон кишининг шабаба тонги. 6.55 Янгилар. 7.30 «Моторлар оламида». 8.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга. 8.25 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.55 Париж — Москва — Пекин автораллиси. 9.25 «Эльдорадо». 9.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришмас мумкин?». 10.10 «Мўжизасиз мўжизалар». 10.40 «Мусиқий дўкон». 11.10 «Янгра, гармонь». Костромадан курса тилади. 11.55 «Курия: мамлакат, одамлар, спорт». 2-кўрсатуви. 12.25 «Иккинчи ҳақиқат». Телефильм премьераси. 13.50 «Сахро кемаси». Мультфильм. 14.00 Янгилар. 14.20 «Зазеркалье». «Довюркат темирчи ҳақида эртақ». Бадий фильм. 15.40 «Авиакосмик салон». 15.55 «Қизил квадрат». 16.35 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 4-кўрсатуви. 16.55 «Енотлар». Кўп серияли мультфильм. 17.20 «Бахтли тасодиф». 18.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Биринчи қон чиққунча». Бадий фильм («М. Горький номили киностудия»). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгилар. 20.20 «Тўлқинлар бўйлаб чопайган ҳақида қисса». Телефильм. 20.40 «Денгиз ёқасида бир кун». С. Ротару куйлайди. 21.55 «Ярим тунгача ва тундан сунг». Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 23.55 «Мовий леда». Бадий фильм (Германия).

УзТВ II

10.45 АШГАБАТ КўРСАТАДИ

ОРБИТА IV

5.20, 14.15, 17.40, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби. 5.25 Рухни чиниктириш. 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгилар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 Қалим Давлат рақс ансамблининг концерти. 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.45 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.15 Мультфильмлар. 9.35 «Тонг юлдузи». 10.25 «Пи» белгиси билан. 11.05 «Янги авлод танлайди». 12.05 Я. Френкель ва К. Ваншенкин кўшиқлари ва романслари. 12.55 Илҳимоммабоб фильм. 14.00 Янгилар. 14.20 «Саёҳатчилар клуби». 15.05 «ТВ-Нева». «Россия фермери» I Бутунжаҳон ярмаркаси ҳафталиги. 5-кўрсатуви. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатуви. 17.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Қойлақом етти овлон».

Якшанба кинокўрсатуви

19.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шухрат сари марҳабон». Бадий фильм (Италия). 21.00 «Яқунлар». 21.50 «Телелогия». 22.00 «Арс». Тунги мусиқий кафе. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

ДУБЛЬ IV

7.00 Хабарлар. 7.20 «Дарё ёқасидаги черков». Хужжатли фильм. 7.50 «Халфана». 8.30 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан. 9.00 «Агар сиз...» 9.30 «Мусиқий қишлоқ». 10.00—13.00 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНING «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.00 Кундузги сеанс. «Золушка». Бадий фильм. 14.20 «Мен XX асрдан чарчадим». 14.50 «Хумо қуши». Мультфильм премьераси (Япония). 1-серия. 15.50 «Келинг, бир тушуниб олайки» (Хусусийлаштириш чеки нима?) 16.00 Рақс маршони. Бал рақслари танлови. Европада рақслар программаси.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.45 Концерт. 17.30 Хабарлар. 17.45 Концерт. 18.15 «Инсоният бойлиги». Видеофильм. 19.00 Хабарлар. 19.20 Манзарали фильм. 19.30 «Туркия форлари».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Карнавал». Бадий фильм. 1-серия. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Тилла шпора». 21.50 «Карнавал». Бадий фильм. 2



САБРНИНГ ТАГИ ОЛТИН



МУСТАҚИЛЛИК бизга нима берди?— деган савол одамлар ўртасидаги суҳбат мавзусига айланаётгани рост. Хўш, ўтган бир йил мобайнида кўнглимизни хушнуд қилган мустақиллик бизга нималарни инъом этди?

Албатта, мустақиллик шарофати туфайли биз энг муҳими, ўзлигимизни танидик. Одамларнинг онги, дунёқараши, фикри ўзгарди. Ўз тилимизга, байроғимизга, ўз тамғамизга эга бўлдик. Айниқса, ёшларимизни соғлом, онгли, илғор фикрли қилиб тарбиялашга бел боғлаган ўқитувчилар, зиёлиларга эътибор берилган тахсинга сазовордир.

Жойларда, айниқса, қишлоқларда бир вақтлар сиқув остига олиниб, пайсалга солинган ёрдамчи хўжаликларнинг яна тикланиши ва ривож топиши, одамларга томорқа ва ер участкалари берилиши ҳам мустақилликнинг ширин меваларидир.

Ҳозирда Мустақил Республикамиз фуқаролари ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмай, сабрқаноат билан ўзларига топширилган ишларни сидқидилдан бажарсалар, кўзлаган марраимизга етишимизга ишонаман.

Бахтиёр БУРОНОВ,
Навоий вилояти, Нурота районидаги О. Бозоров номли 9-ўрта мактабининг математика-информатика фани ўқитувчиси.

ТҮЙГА ТУЕНА


Истиқлол қадриятларимизни, тарихий анъаналаримизни, урф-одатларимизни қайта тиклаш деганидир. Шунинг учун ҳам биз бу байрамни шоду-хуррамлик билан нишонлаёмиз. Бугунги кунда жамоа хўжалигимизда 1632 нафар касаба уюшмаси аъзоси унумли меҳнат қилмоқда.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг моддий ва маданий аҳволини яхшилаш мақсадида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Кўни кеча эса касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан меҳнатда ўрнатилган жамоа аъзоларидан 20 киши «Ишонч» газетасига 1993 йилга белулуш бўлиши ҳақида хат ёзишди. Худди шу кўни жамоа аъзоларидан яна 50 киши ўз ихтиёрлари билан сеvimли газеталарига обун бўлишди.

Истиқлол байрамининг муборак бўлсин, азизлар!

Менгали МЕЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти, Денов районидagi «8-Март» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.



Нима совға қилишаркин-а?

Сураткаш: Жўра БОБРАХМАТ

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1992 йил учун яқка тартибда обун бўлганлар «Ишонч» газетасини йил охиригача олишларини яна бир бор эслатишга мажбурмиз. Чунки, баъзи газетхонлар «Ишонч»ни июль ойидан буён олмаётганликлари ҳақида шикоят қилмоқдалар. Биз ана шу ҳақли талабларни алоқа бўлими ходимларига ҳавола этарканмиз, уларнинг бу камчиликларини бартараф этишларига умидвормиз. Айни пайтда газетхонларнинг ўзлари ҳам алоқа ходимларига нисбатан бироз талабчан бўлишларини истаймиз.

Биз 1993 йилда ҳам аҳли юрт тақдирини, манфаати йўлида сидқидил хизмат қиламиз. Фақат, Сиз йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин (Индекс — 64560) бўлган «Ишонч» газетасига ўз вақтида обуна бўлишни унутмасангиз бас.

Корхона ва муассасалар обунасига ҳам ташаббускор бўласиз деган умиддамиз. Унинг йиллик нархи 312 сўмдир. (Индекс — 64561)

«Ишонч» тахририяти

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўп сонли футбол ишқибозларининг илтимосларини бажо келтириб, касаба уюшмалари жисмоний тарбия жамоалари ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси биринчилиги ўйинлари иккинчи давраси сентябрь ойида ўтадиган ўйинларнинг тартибини эътиборингизга ҳавола қиламиз.



- 1—ГУРУХ
- 3 сентябрь
- «Кварц» — «Қоражыйда»
- «Асака» — «Савай»
- «Фаллакор» — «Ишонч»
- 6 сентябрь
- «Нефтяник» СК — «Езёвончи»
- «Кооператор» — «Турон»
- 12 сентябрь
- «Турон» — «Кварц»
- «Қоражыйда» — «Умид»
- «Пахтакор» — «Кооператор»
- 13 сентябрь
- «Савай» — «Нефтяник» СК
- «Ишонч» — «Асака»
- «Езёвончи» — «Фурумсарой»
- 19 сентябрь
- «Умид» — «Езёвончи»
- «Нефтяник» СК — «Турон»
- «Асака» — «Пахтакор»
- 20 сентябрь
- «Фурумсарой» — «Қоражыйда»
- «Кварц» — «Савай»
- «Ишонч» — «Кооператор»
- 26 сентябрь
- «Ишонч» — «Кварц»
- «Савай» — «Умид»
- «Езёвончи» — «Қоражыйда»

- 27 сентябрь
- «Пахтакор» — «Нефтяник» СК
- «Турон» — «Фурумсарой»
- «Фаллакор» — «Асака»
- 2—ГУРУХ
- 5 сентябрь
- «Бинокор» — «Йигирувчи»
- «Сўғдиёна» — «Машъал»
- «Бўкалик» — «Автомобилчи»
- 6 сентябрь
- «Ширин» — «Сувчи»
- «Ешлик» — «Кимёгар»
- ЖФМОМ — «Торпедо»
- 12 сентябрь
- «Кимёгар» — «Бинокор»
- «Йигирувчи» — «Мебелчи»
- «Торпедо» — «Ешлик»
- 13 сентябрь
- «Машъал» — «Ширин»
- «Сувчи» — «Навбахор»
- «Автомобилчи» — «Сўғдиёна»
- 19 сентябрь
- «Мебелчи» — «Сувчи»
- «Ширин» — «Кимёгар»
- «Сўғдиёна» — «Торпедо»
- ЖФМОМ — «Бўкалик»

- 20 сентябрь
- «Навбахор» — «Йигирувчи»
- «Бинокор» — «Машъал»
- «Ешлик» — «Автомобилчи»
- 26 сентябрь
- «Автомобилчи» — «Бинокор»
- «Машъал» — «Мебелчи»
- ЖФМОМ — «Ешлик»
- 27 сентябрь
- «Торпедо» — «Ширин»
- «Кимёгар» — «Навбахор»
- «Бўкалик» — «Сўғдиёна»
- «Сувчи» — «Йигирувчи»
- 3—ГУРУХ
- 5 сентябрь
- «Наврўз» — «Матлуботчи»
- «Зарафшон» — «Оқтош»
- «Пахтачи» — «Тегирмончи»
- 6 сентябрь
- «Автомобилчи» — «Шеробод»
- «Ситораи-Бухоро» — «Химик»
- МЭЗ — «Колхозчи»

- 12 сентябрь
- «Химик» — «Наврўз»
- «Матлуботчи» — «Хисор»
- «Колхозчи» — «Ситораи-Бухоро»
- 13 сентябрь
- «Оқтош» — «Автомобилчи»
- «Шеробод» — «Шўртан»
- «Тегирмончи» — «Зарафшон»
- 19 сентябрь
- «Хисор» — «Шеробод»
- «Автомобилчи» — «Химик»
- «Зарафшон» — «Колхозчи»
- МЭЗ — «Пахтачи»
- 20 сентябрь
- «Шўртан» — «Матлуботчи»
- «Наврўз» — «Оқтош»
- «Ситораи-Бухоро» — «Тегирмончи»
- 26 сентябрь
- «Тегирмончи» — «Наврўз»
- «Оқтош» — «Хисор»
- МЭЗ — «Ситораи-Бухоро»
- «Шеробод» — «Матлуботчи»
- 27 сентябрь
- «Колхозчи» — «Автомобилчи»
- «Химик» — «Шўртан»
- «Пахтачи» — «Зарафшон»



Бош муҳаррир

Тўлкин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибинт — 56-87-59

БУЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

● Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тadbirkorлик — 56-87-78; 56-87-73.

● Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.

● Безатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

● Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганчда — 6-87-82;
- Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган кўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кўни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ

- ДУШАНБА кўнлари чиқади.
- Босишга 28 августда топширилди.

● Навбатчи мўсўуллар: Турғун НАЗАРОВ, Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

● ҚўНИМГОҲИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-309

● 113670 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.